ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 168 (3650).

26 АВГУСТ ШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ғаллакорлари КПСС XXIII съезди қарорларини бажара бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, яна бир меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар дон сотиш бўйича давлат план-заказини (маккажўхори ва шолидан ташқари) адо этдилар.

Тайёрлов пунктларига 182,6 минг тонна дон етказиб берилди. Шу билан бирга, давлатга 26 минг тонна уруғлик ссудаси қайтарилди.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари ғаллани қисқа муддатларда ўриб-янчиб олдилар ва республикада биринчи бўлиб дон сотиш планини бажардилар. Улар давлатга 34,7 минг тоннадан знёд ёки планга нисбатан 144,6 процент миқдорида дон сотдилар.

Самарқанд ва Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозлари қурғоқчилик натижасида рўй берган қийинчиликларни енгиб, барча ҳосилни ўз вақтида ўриб-йиғиб олдилар ва давлат план заказини муддатидан илгари бажардилар. Самарқанд области хўжаликлари давлатга 61,8 минг тоннадан, Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари 51 минг тоннадан зиёдроқ дон сотдилар. Сурхондарё областининг хўжаликлари давлатга дон топшириш йиллик планини бажариш арафасида турибдилар. Республикада дон топшириш планининг адо этилишига Андижон, Фарғона, Бухоро областларининг колхоз ва совхозлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

Йирик ғаллакор Ғаллаорол районининг колхоз ва совхозлари дон топшириш планини анча ошириб бажардилар ва давлатга қариб 30 минг тонна ёки 110 процент миқдорида, Юқори Чирчиқ райони 13,3 минг тонна ёки 149 процент, Ўрта Чирчиқ райони 8,9 минг тонна ёки 165 процент, Оржоникидзе райони 7 минг тонна ёки 180 процент, Нурота райони 6,3 минг тонна ёки 170 процент, Пойариқ райони 5,9 минг тонна ёки 227 процент, Яккабог райони 7,5 минг тонна ёки 228 процент, Шаҳрисабз райони 7,6 минг тонна ёки 229 процент миқдорида дон сотдилар.

Бекобод, Янгийўл, Боёвут, Иштихон, Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут, Булунғур, Қамаши, Сариосиё, Шеробод, Денов, Шўрчи районларининг колхоз ва совхозлари ҳам давлатга дон сотиш планларини муваффақиятли адо этдилар.

Самарқанд областидаги 1-«Ғаллаорол», 2-«Ғаллаорол», «Қўшробот», Карл Маркс номли, «Қорақишлоқ», Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли, «Кўкбулоқ», «Шаҳрисабз» Карл Маркс номли, Тошкент областидаги 1-«Оҳангарон», ва 2-«Оҳангарон» каби йирик ғаллакор совхозлар давлатга дон сотиш планларини тўла ва ошириб бажардилар.

Оржоникидзе районидаги «Ленинград», Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», Яккабог районидаги «Ленин учқуни», «Ленинизм», «Коммунизм», Калинин номли, «Қизил Ўзбекистон», «Правда», Шаҳрисабз районидаги Свердлов номли, Калинин номли, «Қизил юлдуз», Карл Маркс номли, «Партия XIX съезди», Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод», «Чироқчи районидаги Калинин номли, «Москва», Максим Горький номли, Ғузор районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, Иштихон районидаги Куйбишев номли, «Иттифоқ» колхозлари давлатга пландан ташқари анча кўп — 2-3 йиллик план ҳажмида дон сотдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», «Гулистон», «Коммуна» колхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар дон ва навли уруғлик топшириш планларини муваффақиятли адо этдилар.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлигининг қабул пунктлари ходимлари янги ҳосилни қабул қилишни яхши ташкил этдилар. Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги автобазаларининг шоферлари донни ташиб олишда катта ёрдам кўрсатдилар.

Давлатга дон топшириш ва сотиш давом этмоқда.

Ғаллакор колхоз ва совхозлар ҳосилдан бўшаган ерларни ҳайдаш, уруғликни тозалаш, сеялкаларни ва бошқа машиналарни ремонт қилиш ишларини қизитиб юбордилар, келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Бу йил шоли экиш плани қулай муддатларда ошириб бажарилди, колхозчиларнинг ҳамда совхозлар ишчиларининг фидокорона меҳнати туфайли ана шу қимматли экиндан яхши ҳосил етиштирилди. Шоликор хўжаликлар ўрим-йиғимга тайёргарлик кўрмоқдалар ва бу ишни яқин кунларда бошлаб юборадилар. Республика шоликорлари социалистик мусобақани қизитиб, ҳосил ўрим-йиғимини қисқа муддатларда ўтказиш ва Улуғ Октябрнинг юбилейига қадар давлатга камида 83 минг тонна шоли сотиш мажбуриятини олдилар.



РЕСПУБЛИКАМИЗ илғор механик-ҳайдовчиларининг Мурожати асосида теримга пухта тайёргарлик кўраётган Оққўрғондаги Ҳамза номли колхоз пахтакорлари машиналарни мавсумга тўла шайлаб қўйдилар. Колхозда машина теримига ҳар тарафлама қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Суратда: хўжалик механизаторларидан А. Қўштоев (чапда) ва Т. Долбоев ўртоқлар ремонтдан чиққан машинанинг қисмларини яна бир бор текшириб кўришяпти.

А. Тўраев фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК — КОЛЛЕКТИВ ШИОРИ

6-қурилиш трести коллективи тежамкорлик юзасидан республикада бошланган ватанпарварлик ҳаракатида актив иштирок этмоқда. Ҳар ишда иқтисод қилиш, халқ мулкини кўз қорачиғидек сақлаш — барча бинокорларнинг шу кунлардаги шиори бўлиб қолган. Қандай объект қурилишидан қатъий назар материалларни тежаб-тергаб сарфлашяпти бу азаматлар.

Коллектив юбилей йилида баракали меҳнат қилмоқда. Ойлик давлат планлари ортиғи билан адо этилаётир.

Бинокорлар бундай яхши натижаларга жуда кўп тадбирларни амалга ошириш натижасида эришдилар. Трест маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари аввало прогрессив методлар, илғор усулларни қўлланишга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга эътиборни кучайтирдилар. Коллектив куч-ғайратини давлат планларининг бажарилиши, қатор ички резервларни кидириб топишга сафарбар эта олдилар. Тежамли ишлаш давлатга ҳам, бинокорга ҳам фойда келтиришини барчанинг онгига сингдириш йўлида тиним билишмади. Оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларнинг мазмунини ҳам ана шу муҳим масала ташкил этди.

Трестда новаторлар сафи анча кенгайди. Улар ишлаб чиқаришнинг турли кемтик жойларини бартараф этишга қаратилган тақлифлар билан чиқишди. Шу йилнинг биринчи кварталида новаторлар ташаббуси билан 15 та тадбир амалга оширилди. Шунинг эвазига 15 минг сўмга яқин маблағ тежаб қолинди. Бекободдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводида циркуль арраси ўрнатилиб тахта чиқиндилари қайтадан ишланаяпти. Бу билан 30 кубометр тахта тежаб қолинаётир. Қорасув паррандачилик фабрикасида керамзит ўрнига костролит ишлатилди. Ана шу тадбир ҳар йили 94 минг сўмлик иқтисодий фойда беради. Чиқинди арматураларни қайта пайванд қилиб ишлатишнинг жорий қилиниши 70 тонна қора металл прокатини тежаб қолиш имконини туғдиради.

Трест қурилиш ташкилотларида бинокорлик материалларини сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Қурилаётган объектлар учун материаллар лимит варақалари бўйича юборилади. Бундай варақалар қурилиш бошқармаларининг ишлаб чиқариш бўлимлари томонидан тузилади. Шундай қилинганда материалларнинг ортиқча сарфланишига чек қўйилади. Материалларни ҳисобдан чиқариб ташлашда ўзбошимчаликка йўл қўйилмайдиган бўлди. Бунда ишчи чертежлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган материалларнинг сарфи аниқ ҳисобга олинади. Бошқармаларда бинокорлар материалларини ҳисобга олиш ва сарфлашнинг қандай аҳволдалиги ҳар ойнинг дастлабки кунларида текширилади. Бунинг учун инвентаризация ўтказилади. Шундай тартибнинг ўрнатилиши бинокорлик материалларининг ортиқча сарфланмаслигига катта ёрдам бермоқда.

Бинокорлик машиналари ва механизмлари ҳамда автотранспортдан максимал фойдаланиш мақсадида ҳар ойда механизм ва автотранспортга бўлган эҳтиёж графиги тузилади. Бунда участкаларда амалга ошириладиган ишлар ҳажми тўлиқ ҳисоблаб чиқилади. Қайси куни қандай механизм кераклиги, қанча автотранспорт юборилиши лозимлиги бир ой илгари аниқ белгилаб қўйилади.

Трест бошқарма ва участкаларида бир қанча хўжалик ҳисоби асосида бригадалар тузилган. Уларнинг бинокорлик материалларини тежаш юзасидан ҳисоб варақалари бор. Трестдаги 101 та бригаданинг 76 таси комплекс бригададир. Уларнинг 19 тасига коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилди. 31 бригада эса «Октябрь 50 йиллиги» деган шарафли ном олиш учун ўзаро мусобақалашмоқда. Бутун ишнинг оғири ана шу бригадалар зиммасига юклатилган. Улар тез ва соз ишлаш билан бирга материалларни тежашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шу кунларда Совет ҳокимияти ташкил топган кунининг ярим асрлик байрамини катта тортиқлар билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани тобора авж олдираётган трест коллективи ўз фаолиятининг техника-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш учун изланиш олиб бормоқда.

М. СУЛТОНОВ,
бинокор-инженер.

ТАСС АХБОРОТИ

Дунё океанини ўрганиш юзасидан қилинаётган илмий тадқиқот ишлари планига мувофиқ, Совет Иттифоқи олимлари ва ҳунарманди прогноз қилиш мақсадида Тинч океанда сейсмик тадқиқотлар ўтказади.

Шу ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун Тинч океан акваторияларининг қуйидаги координатлар билан чегараланган икки районига бомбалар ташланади:

1-РАЙОН
ШИМОЛИЙ КЕНГЛИК

43 градус 14 минут
44 градус 23 минут
51 градус 24 минут
50 градус 46 минут

ШАРҚИЙ УЗУНЛИК

149 градус 00 минут
149 градус 00 минут
159 градус 10 минут
160 градус 09 минут

2-РАЙОН
ШИМОЛИЙ КЕНГЛИК

38 градус 20 минут
38 градус 54 минут
46 градус 25 минут
47 градус 03 минут

ШАРҚИЙ УЗУНЛИК

159 градус 53 минут
160 градус 49 минут
151 градус 48 минут
152 градус 44 минут

Зарур ўлчашлар ўтказиш учун кўрсатилган районларга Совет флотининг зарур ўлчаш аппаратлари билан ускуналанган махсус кемалар юборилади.

Бомбалар ташлашни 1-районда шу йил 2 сентябрдан 5 сентябргача ҳар куни маҳаллий вақт билан соат 10дан 18 гача, 2-районда 5 сентябрдан 10 сентябргача ҳар куни маҳаллий вақт билан соат 10 дан 18 гача ўтказиш мўлжалланган.

Тинч океан акваторияларига бомбалар ташлашда денгизда қатнов хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ТАСС шуни хабар қилишга ваколат олганки, Совет Иттифоқи ҳукумати кўрсатилган давр вақти мобайнида кемаларни тадқиқот ўтказиладиган районлар яқинида бўлиши мумкин бўлган мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, тегишли маъмурлар кемалар капитанларига Тинч океан акваториясининг ҳалиги координатлар билан чегараланган районларига кирмаслик тўғрисида кўрсатма беришларини сўрайди.

ҲОСИЛГА БАРАКА

Бригада бошлиғи Карим ака бугун далага ҳар қачонгидан ҳам барвақт етиб келди. Ғир-ғир эсаётган тонг шабадасида ўрмондек шовуллаб турган канопзорга меҳр билан боқар экан, деҳқонларнинг ёз бўйи қилган меҳнатлари кўз олдида намоён бўлди. Ҳа, озмунча тер тўкилдими! Баҳорда ҳавонинг паст келиши, унинг устига зарпечак...

Бригадир Пардабоев пайкал ёқалаб, каноп янчаётган агрегатлар томон йўл олди...

Каноп янчиш кундан-кун авж олаётган шу долзарб дамларда бепоён канопзорларда бўлсангиз, қайноқ меҳнатни кўриб, деҳқонлар ҳимматига балли дейсиз. Катта-кичикнинг шу кунлардаги фикри-ёди йил бўйи қилинган меҳнат эвазига бунёдга келтирилган баракали «кўк олтин»ни тезроқ йиғиштириб олишга қаратилган.

Механизаторлардан К. Бойтелев ва В. Пономарчук ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда. Бу икки азаматнинг пўлат агрегатлари ҳар куни 10—12 тонна «кўк олтин»ни поядан ажратиб, бригада коллективини хушнуд қилмоқда. «ЛС-1» маркали агрегатда ишлаётган механизаторлар янги машинани «жонининг роҳати экан» деб айтишмоқда. Бу агрегатнинг қулай томони шундаки, ўрилган каноп поясн машинанинг бир томонидан солинса, иккинчи томонидан тайёр луб бўлиб чиқади. Илғорлари «НП-9» машинасида 24 кишн ишлаган бўлса, бу янги агрегатда 12 кишн меҳнат қилади. Бу деган сўз — илғорингга қараганда сарф-харажат икки баравар камаяди, колхозчилар даромади эса шунга қараб кескин ортади.

Оққўрғондаги «Ленинград» колхози деҳқонлари ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2—2,5 процентн миқдорида луб толаси етказиб беришмоқда. Хўжаликнинг барча майдонларида каноп бир текис, бўйчан қилиб ўстирилганлиги туфайли дастлабки натижалар кувончли бўлаяпти.

Юбилей йилида хўжаликда 830 гектар майдонда каноп ўстирилди. Улар ўтган йилдагига қараганда ҳосилдорликни 10—15 центнер ошириб, гектар бошига 160 — 165 центнердан хирмон кўтариш ва йил охиригача давлатга 13 минг тонна луб етказиб бериш учун ҳаракат қилишаяпти.

Н. ТЎРАЕВ.

ЯНГИЙЎЛДА ТЕХНИКА РЕМОНТИ СУСТ

Мана, қўлимизда «Коммунизм» колхози далаларида янги очилган оппоқ пахта чаноғи. Янги ҳосилнинг нишоналарини ҳозир ҳамма колхозлардан топиш мумкин. Айниқса «47—27С» навли чигит экқан Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхозда ҳар туп ғўзада ҳатто икки-учтадан очилган чаноқлар бор. Бундай терим бошланиб кетадиган қизғин, ҳароратли кунлар нақадар яқинлашиб қолганини кўрсатиб турибди. Бу гўё деҳқонларга ҳаракатингни қилиб қол демоқда.

Янгийўлликларнинг бу йил ниятлари зўр, мақсадлари катта. Улар юбилей йилида 59860 ўрнига 63 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилганлар. Айни кунларда шу ҳосилнинг 30 минг тоннасини машина билан териб олишга тайёрлик кўрилянти. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Ҳозир «Янгийўл» газетасида «Пахтамиз — тўёнамиз» деган сарлавҳа остида ҳар бир звено бошлиги — механик-ҳайдовчининг конкрет мажбуриятлари босилиб чиқмоқда. Кўпгина механизаторлар 30—32 центнердан ҳосил етиштириш, шахсан ўзлари машина билан 90—100 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олганлар. Янгийўллик моҳир механик-ҳайдовчилар Ўзбекистондаги илғор механик-ҳайдовчиларнинг республикадаги барча механик-ҳайдовчиларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қилган Мурожаатига жавобан ана шундай юксак мажбурият олмоқдалар.

Ғўза баргини тўкиш учун зарур бўлган дорилар колхозларга ташиб олинмоқда.

Колхозларда пахтани машина билан териш учун пайкалларни ҳозирлаш иши ҳам ёмон эмас. Ғўза ораларидаги қолган—қутган ўтлар юлиб ташланмоқда.

Механик-ҳайдовчиларга, теримчиларга ҳақ тўлаш нормалари ишлаб чиқилмоқда. Бу нормалар ўтган йилгидан анча фарқ қилади. Бу йил колхозларнинг шароитлари ҳисобга олиниб 2,1 ва 2,3 тонна пахта терган механик-ҳайдовчиларга 6 сўм 25 тийиндан ҳақ тўлаш тавсия этилди.

Бироқ, пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, терим суръатини тезлаштириб, хирмонга барака киргизадиган пахта териш машиналарини ремонт қилиш ниҳоятда сust давом этмоқда.

Дастлабки тузилган графикка мувофиқ барча терим агрегатлари 20 августгача тўла-тўкис тайёр қилиниши лозим эди. Мана, белгиланган муддат ҳам тамом бўлди. Бироқ кўпгина пахта териш машиналарининг аппаратлари, тракторлари ҳали ҳам ремонтсиз ётибди. Район хўжаликларида

ТЕРИМГА ШАЙМИСИЗ

472 та ХТ-1,2, 152 та ХВС-1,2 пахта териш машинаси бор. ХТ-1,2 машинасининг 333 таси ремонтдан чиқарилган дейилмоқда. Ҳақиқатда эса улар тўла тайёр эмас. Чунки ремонтдан чиқарилган 333 машинадан 31 тасининг трактори йўқ, фақат аппарати тайёр, холос.


ХВС—1,2 ни ремонт қилиш бундан ҳам сust. Масалан, 152 машинадан 72 таси ҳали навбат кутиб ётипти. Бу машиналарга қўл тегизиш учун графикдаги вақт етиб келмади. Пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлашда бўйдай аҳволнинг юз беришига аввало хўжалик раҳбарлари, «Ўзсельхозтехника»нинг район бирлашмаси вa қисман барўр запас қисмларнинг етишмаётгани сабаб бўлмоқда. «Ўзсельхозтехника»нинг район бирлашмаси устахонасига колхозлар 100 пахта териш машинасини капитал ремонт қилиш учун юборишлари лозим эди. Бироқ колхоз раҳбарлари бу муҳим ишга яхши эътибор бермадилар. Машиналар устахонага ўз вақтида етказиб берилмади. Масалан, ремонт қилиниши лозим бўлган пахта териш машинасининг аппаратларини Ҳамроқул Турсунқулов номли, Жданов номли колхозлар устахонага жуда кеч топширдилар.

Машиналар ремонтининг кечикиб кетаётганига, айниқса, запас қисмлар етишмай турганн жуда катта таъсир қилмоқда. Район ишлаб чиқариш бошқармасининг инженери А. Иброҳимов бундай деди.

— Биз «Ўзсельхозтехника»нинг область бирлашмасига ўз вақтида зарур запас қисмларни сўраб ёзиб юборган эдик. Шундай олганимиз 10—15 процент бўлди, холос.

Асосан пахта териш машиналари «Ўзсельхозтехника»нинг Чинозаги устахонасида ремонт қилинмоқда. Аммо бу ерда сифатсиз ремонт қилиниб колхозларга жўнатилган машиналар теримга тўла-тўкис тайёр эмас. Ремонтдан чиқиб дейилган айрим машиналарда бирга яқин ҳар хил етишмовчиликлар, дефектлар борлиги аниқланмоқда. Яқинда Жданов номли колхоз «Ўзсельхозтехника» устахонасида ремонтдан чиққан иккита машинани олиб келди. Бу машиналарнинг ремонт сифати текширилганда ўнта ҳар хил камчиликлар борлиги аниқланди. Чунончи, машиналар бир йўла тўла созланмаган. Чўткалар билан шпинделлар оралиғи тўғри қўйилмаган. Ремонтдан чиқариб генерал Раҳимов номли колхозга юборилган агрегатларда ҳам талай камчиликлар борлиги аниқланди. Бундай аҳволга хотиржамлик билан қараб бўлмайди. Терим мавсуми эшик қоқмоқда. Шошилинч чоралар кўрилиши, кам-кўстлар тезроқ тугатилиши, айниқса машиналар тўла ва сифатли ремонтдан чиқариб қўйилиши лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Суратда пойтахтимизнинг сергавжум жойларидан бири Вокзал майдони.

Р. Отажонов фотоси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 8 (58)

КЎРИК ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Область халқ контроли комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик оммавий кўригини ўтказиш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини текшириб чиқди. Комитет шу нарсани таъкидладики, тежамкорлик кўригига тобора кўплаб киши жалб қилинмоқда. Иккинчи кварталнинг охирига келиб бу ҳаракатда 6988 киши иштирок этди.

Шаҳар, район халқ контроли комитетлари, назоратчилар жойларда кўрик комиссияларига белгиланган тадбирларни амалга оширишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Меҳнат, моддий ресурслар ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг кўрик пайтида киритган таклифларини жорий этиш қандай боратётганлигини назорат остига олганлар.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетларида корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг, шунингдек халқ контроли группаси раисларининг иқтисод қилиш ва тежамкорлик оммавий кўригининг боришига доир ҳисоботини мунтазам эшитиб турибди. Айрим муҳим масалалар шаҳар ва район партия комитетлари муҳокамасига қўйилмоқда.

Кўрикни оммалаштириш, ишда ошкораликка эришиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Область халқ контроли комитети ва область касаба союзлари Совети, оммавий тиражда варақалар чиқардилар. Бу варақаларда иқтисод қилиш ва тежамкорликдан келадиган фойда конкрет мисолларда кўрсатиб берилган.

Иккинчи кварталда 6223 таклиф киритилиб, шундан 3294-таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шу ҳисобдан йилига 4 миллион 800 минг сўмлик фойда олиш мумкин.

Область корхоналари ва қурилишларида 2 миллион сўмлик бекор қолган ускуналар реализация қилинди, 14,5 миллион сўмлик ускуна фойдаланишга топширилди.

Халқ контроли группаларининг аъзолари оммавий кўрикда актив иштирок этаётганликлари қувончли ҳолдир. Улар корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда белгиланган тадбирларнинг, бажарилишини назорат қилиб боришдан ташқари ўзларидан ҳам қимматли таклифлар киритмоқдалар.

Шу билан бирга корхоналар ва хўжаликларда иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг катта резерваларидан етарли фойдаланилаётгани йўқ. Ярим йил ичида халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга наф келтирмайдиган бир миллион сўмлик харажатларга йўл қўйилди. Айрим корхона ва қурилишларда 3 миллион сўмлик турли ускуналар бекор қолиб кетди, ҳомашё ва материалларни нормадан ортиқча сарфлаш ҳоллари содир бўлди.

Область халқ контроли комитети тежамкорлик оммавий кўригининг муваффақиятини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилади ҳамда шаҳар ва район халқ контроли комитетларига бу соҳада йўл қўйилиб келинган камчиликларни тугатиш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ҚУРИЛИШИ КЕЧИКМАСИН

Яқинда областдаги пахта тозалаш заводларида янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши қандай бораётганлиги кўздан кечирилиб чиқилди. Маълум бўлдики, пахта тайёрлаш трести бўйича етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани 110,7 процент, июль ойида 110 процент бажарилган. Тошкент ва Далварзин пахта тозалаш заводлари учун бешинчи тола ажратиш қурилмасининг лойиҳаси тайёрлаб берилган, қўшимча ускуналар олиш ҳақида шартнома тузилган.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тайёрлаш пунктида қурилаётган пахта заводида иккита линт батареяси ўрнатилган, пресс бўлимаси қурилиши бошлаб юборилган. Водопровод тармоқларини ётқизиш тугалланай деб қолди. Электр жиҳозлари ва кабель келтирилди. Янгийўл пахта тозалаш заводида бешинчи тола ажратиш қурилмасини ўрнатиш масаласи ҳал қилинмоқда. Алимкент заводида янги қурилаётган пахта тозалаш цехида монтажлаш ишларини тугалланиш арафасида. Бу цех мавсум бошларида ишга тушади.

Кўпчилик объектларда қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажми бажарилаётганлиги билан ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши суръати кўнгилдагидек эмас, объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган план бажарилмай қолмоқда. Масалан, иш графиги бузилаётгани сабабли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тайёрлов пунктидаги завод қурилишида етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани атиги 64,3 процент бажарилди. Бу ерда пресс установкаси, тола ажратиш батареясини ўрнатиш учун пойдевор ётқизилмаган, корхонани электр қуввати билан таъминлаш масаласи ҳал қилингани йўқ. Пахта тайёрлаш трести бу қурилишни техник назорат қилиш масаласини ҳанузгача ҳал этмади. Бош пудратчи ҳисобланган 6-қурилиш тресги (бошқарувчиси ўртоқ Зайцев) қурилиш ишларини тезлаштириб юбориш ҳақида халқ контроли комитети берган кўрсатмани қониқарсиз бажармоқда.

Область халқ контроли комитетида буюртмачи ва бош пудратчи трестлар, пудратчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилиб, ушбу камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Область халқ контроли комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик оммавий кўригини ўтказиш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини текшириб чиқди. Комитет шу нарсани таъкидладики, тежамкорлик кўригига тобора кўплаб киши жалб қилинмоқда. Иккинчи кварталнинг охирига келиб бу ҳаракатда 6988 киши иштирок этди.

Шаҳар, район халқ контроли комитетлари, назоратчилар жойларда кўрик комиссияларига белгиланган тадбирларни амалга оширишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Меҳнат, моддий ресурслар ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг кўрик пайтида киритган таклифларини жорий этиш қандай боратётганлигини назорат остига олганлар.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетларида корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг, шунингдек халқ контроли группаси раисларининг иқтисод қилиш ва тежамкорлик оммавий кўригининг боришига доир ҳисоботини мунтазам эшитиб турибди. Айрим муҳим масалалар шаҳар ва район партия комитетлари муҳокамасига қўйилмоқда.

Кўрикни оммалаштириш, ишда ошкораликка эришиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Область халқ контроли комитети ва область касаба союзлари Совети, оммавий тиражда варақалар чиқардилар. Бу варақаларда иқтисод қилиш ва тежамкорликдан келадиган фойда конкрет мисолларда кўрсатиб берилган.

Иккинчи кварталда 6223 таклиф киритилиб, шундан 3294-таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шу ҳисобдан йилига 4 миллион 800 минг сўмлик фойда олиш мумкин.

Область корхоналари ва қурилишларида 2 миллион сўмлик бекор қолган ускуналар реализация қилинди, 14,5 миллион сўмлик ускуна фойдаланишга топширилди.

Халқ контроли группаларининг аъзолари оммавий кўрикда актив иштирок этаётганликлари қувончли ҳолдир. Улар корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда белгиланган тадбирларнинг, бажарилишини назорат қилиб боришдан ташқари ўзларидан ҳам қимматли таклифлар киритмоқдалар.

Шу билан бирга корхоналар ва хўжаликларда иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг катта резерваларидан етарли фойдаланилаётгани йўқ. Ярим йил ичида халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга наф келтирмайдиган бир миллион сўмлик харажатларга йўл қўйилди. Айрим корхона ва қурилишларда 3 миллион сўмлик турли ускуналар бекор қолиб кетди, ҳомашё ва материалларни нормадан ортиқча сарфлаш ҳоллари содир бўлди.

Область халқ контроли комитети тежамкорлик оммавий кўригининг муваффақиятини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилади ҳамда шаҳар ва район халқ контроли комитетларига бу соҳада йўл қўйилиб келинган камчиликларни тугатиш юзасидан кўрсатмалар берди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тайёрлаш пунктида қурилаётган пахта заводида иккита линт батареяси ўрнатилган, пресс бўлимаси қурилиши бошлаб юборилган. Водопровод тармоқларини ётқизиш тугалланай деб қолди. Электр жиҳозлари ва кабель келтирилди. Янгийўл пахта тозалаш заводида бешинчи тола ажратиш қурилмасини ўрнатиш масаласи ҳал қилинмоқда. Алимкент заводида янги қурилаётган пахта тозалаш цехида монтажлаш ишларини тугалланиш арафасида. Бу цех мавсум бошларида ишга тушади.

Кўпчилик объектларда қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажми бажарилаётганлиги билан ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши суръати кўнгилдагидек эмас, объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган план бажарилмай қолмоқда. Масалан, иш графиги бузилаётгани сабабли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тайёрлов пунктидаги завод қурилишида етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани атиги 64,3 процент бажарилди. Бу ерда пресс установкаси, тола ажратиш батареясини ўрнатиш учун пойдевор ётқизилмаган, корхонани электр қуввати билан таъминлаш масаласи ҳал қилингани йўқ. Пахта тайёрлаш трести бу қурилишни техник назорат қилиш масаласини ҳанузгача ҳал этмади. Бош пудратчи ҳисобланган 6-қурилиш тресги (бошқарувчиси ўртоқ Зайцев) қурилиш ишларини тезлаштириб юбориш ҳақида халқ контроли комитети берган кўрсатмани қониқарсиз бажармоқда.

Область халқ контроли комитетида буюртмачи ва бош пудратчи трестлар, пудратчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилиб, ушбу камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Пахта терими мавсуми яқин. Колхоз ва совхозларда далаларда етишган юбилей йили ҳосилини нес-нобуд қилмай тез фурсатларда йиғиб-териб олишга тараддуд қизғин. Халқ контроли органларининг ходимлари ва активлари учун ҳам масъулиятли дамлар бошланди.

Йиғим-терим даврида халқ назоратчилари олдида турган вазифалар нималардан иборат? Яқинда Бўка район колхоз ва совхоз ва пахта тайёрлаш пунктларидаги халқ контроли группаларининг раислари тўпланиб, шу масалани муҳокама қилишди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари А. Варасов, область халқ контроли комитетининг инспектори Т. Тормишева, район халқ контроли комитетининг раиси С. Воҳидов назоратчиларга йиғим-терим палласида қилинадиган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.



Тошкентдаги ипакчилик фабрикасининг ишчилари сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Халқ назоратчилари ҳам бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар вақти-вақти билан цехларда бўлиб, маҳсулотнинг сифатини текширишдан ўтказиб турадилар. Суратда: (чапдан) халқ назоратчиларидан Инобат Азимова ва Маҳсума Тўлаганова ўртоқлар сараланган ипларни кўздан кечиришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

НАЗОРАТЧИ СЕРГАК БЎЛСА...

Назоратчи сергак бўлган жойда қитни мумкин қадар камайтириш тартиб ва қоида ҳам ўз ўрнида бўлади. Буни яхши тушунган «Ўч курсойдаги филиали омборида текшириш ўтказишга киришишди.

Халқ назоратчиларидан А. Эгамбердиев, Э. Алихонов ва А. Садирин ўртоқлар омбордаги мол-мулкларининг қандай сақланаётганлигини бирма-бир кўздан кечирдилар. Кўпгина тартибсизликлар бор экан бу ерда: Калава-калава ипларсортларга ажратилмай бир ерга уйиб қўйилибди. У ёки бу сорт калава керак бўлса, қидириб қанчадан-қанча вақт бекорга ўтади. Бу, албатта, ишни қийинлаштиради. Хомашёларнинг тайёр маҳсулотлар билан ўралаш-қуралаш ҳолда сақланиши ҳам кўнгилни ҳира қилади.

— Биринчи ва иккинчи сорт маҳсулотларни баҳолашда чалкашликка йўл қўйилаётганлигининг сабаби, мана, қаерда экан, — деб айтишди халқ назоратчилари. — Омборда ишни тартибли равишда йўлга қўйиш учун хоналарни кенгайтириш керак!

Улар ўзларининг бу фикрларини маъмурият ҳузурида ўтказилган актив йиғилишида ҳам ўртага ташладилар. Назоратчилар таклифи кўпчиликка маъқул тушди. Омборнинг ёнига қўшимча хона — бинолар қуриш учун маблағ, ишчи кучлари ажратилди ва қурилиш ҳам бошлаб юборилди.

...Ҳозир Чуқурсойдаги ана шу омборга борсангиз, илгариги тартибсизликларни кўрмайсиз. Ҳамма нарса саромжон-саришта.

Халқ назоратчилари фирманинг бошқа участкаларида ҳам контрол ишларини кучайтирганлар. Жумладан, тикув цехида кўрилган тадбирлар катта иқтисодий фойда келтирди. Гап шундаки, илгари бу цехда газмолдан кўплаб чиқитга чиқариб юборилар эди. Назоратчи — смена мастери Ф. Нефедова тикувчилар ўртасида бўлиб, ана шу камчиликнинг рўй бериш сабабларини аниқлади. Чилилов билан суҳбатлашдик. Лоақал бозорнинг дарвозаси йўқлигини айтдик. У қўл силтаб «дарвоза қуришга рухсат беришмайди» деб кўя қолди. Биз Куйбишев район ижроия комитети раҳбарларидан бозордаги нуқсонларни, тартибсизликларни тезда бартараф қилишни илтимос қилиб, бу ҳақдаги фикримизни редакцияга юборишни лозим кўрдик.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасининг масъул секретари.

БОЗОРДА ТАРТИБСИЗЛИК

Яқинда биз «Ташсельмаш» завод бозорига бордик. Бозорда сотувчи деҳқонларга яхши шароит яратиб берилмаган. Ўртоқ Дониёров фақатгина меҳмонхона йўқлигидан шикоят қилди. Ваҳоланки, бу ерда чойхона, ошхона ҳам йўқ. Шу сабабли деҳқонлар Тошкент медицина институти яқинидаги ошхонага қатнаб овқатланишга мажбур бўлишмоқда. Бу ердаги тартибсизликдан фойдаланган баъзи кишилар ўз шахсий манфаати йўлида ноқўя ишлар қилишмоқда. Боткин кўчасидаги 11-уйда истиқомат қилувчи Мамажон Самадов битта тупуқ чойнакдаги чойни йигирма тийиндан пуллаяпти.

Бир нарсадан кўнглимиз ранжиди. Бозорнинг ўртоқ Сотиб Жалилов билан суҳбатлашдик. Лоақал бозорнинг дарвозаси йўқлигини айтдик. У қўл силтаб «дарвоза қуришга рухсат беришмайди» деб кўя қолди. Биз Куйбишев район ижроия комитети раҳбарларидан бозордаги нуқсонларни, тартибсизликларни тезда бартараф қилишни илтимос қилиб, бу ҳақдаги фикримизни редакцияга юборишни лозим кўрдик.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасининг масъул секретари.

ЖАМОАТЧИЛАР КЎМАГИ

Тошкент шаҳрини қуриш ва қайта тиклаш ишлари Бош бошқармаси ҳузурида халқ контроли комитети тузилганига бир йилдан ошиб қолди. Шу қисқа давр мобайнида комитет ўз атрофига кўплаб жамоатчи назоратчиларни тўплади. Жойларда 175 дан ортиқ халқ контроли группалари ва постлари тузилиб, уларга 2150 дан ортиқ назоратчилар жалб этилди. Комитет ҳузурида 6 та штатсиз бўлим ва аризалар бюроси ишлаб турибди.

Халқ контроли комитети ўз мажлисларини олдиндан тузилган қатъий план асосида олиб боради. Ташкилотлардаги группаларни ҳам шундай иш тутишга ўргатмоқда.

— Қатъий плансиз темир интизом йўқ,—дейди комитет раиси Қўчқор Турсунов,—интизом бўлмаган жойда иш бўлмайди.

Халқ контроли комитети ўз фаолиятида ана шу сўзга доимо амал қилиб келмоқда.

Мана, комитетнинг навбатдаги йиғилиши. Комитет аъзолари мажлисда аввал қарор лойиҳалари, текширув ҳужжатлари билан танишиб олишганлиги учун раиснинг ахборотини тинглашди.

— Бу куни йиғилишимизда кўриладиган масала тўртта,— деди раис,—ҳар бирига 15 минутдан вақт ажратилган. Бир соатда якунлаймиз. Комитет аъзоларида қўшимча ёки бошқа таклифлар борми?

Комитет аъзолари «маъқул» ишорасини қилишгач, муҳокама бошланди.

Биринчи масала: «Главташкентстрой» трести халқ контроли группаси раиси Ғ. Ғуломов ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни ташкилий жиҳатдан тўғри нормалаш масалаларига бағишланган 73 текширув ўтказди. Ишлаб чиқаришда рўй бериб турадиган хўжасизлик ҳақида маъмуриятга маълум қилиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, минорали кранлардан ёмон фойдаланганлиги, уларнинг кўп вақт бекор туриб қолишига йўл қўйганлиги учун 2-монтаж бошқармаси участка бошлиги ўртоқ Черних вазифасидан четлатилди. 4-монтаж бошқармаси участка бошлиқлари Перешивалов ва Смоляниский ўртоқлар жарима тўладилар.

Группа трестда камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўрмоқда.

Комитет йиғилиши 1-«Стройжиддий, тезкорлик билан чора кўришни тақозо этади. Шу туфайли бу масала «Главташкентстрой» бошлиғи ихтиёрига ҳавола қилинди. Масалани муҳокама қилишда уч киши қатнашди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала:** 1-«Стройжиддий, тезкорлик механизация» трести халқ контроли группаси олиб борган текширув тўғрисида. Бу ҳақда инспектор ўртоқ М. Малюженок қисқача ахборот берди.

Группа ўтган давр мобайнида механизмлардан унумли фойдаланиш, иш сифатини яхшилаш, меҳнат интизоми масалаларига бағишланган 73 текширув ўтказди. Ишлаб чиқаришда рўй бериб турадиган хўжасизлик ҳақида маъмуриятга маълум қилиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, минорали кранлардан ёмон фойдаланганлиги, уларнинг кўп вақт бекор туриб қолишига йўл қўйганлиги учун 2-монтаж бошқармаси участка бошлиги ўртоқ Черних вазифасидан четлатилди. 4-монтаж бошқармаси участка бошлиқлари Перешивалов ва Смоляниский ўртоқлар жарима тўладилар.

Группа трестда камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўрмоқда.

Комитет йиғилиши 1-«Стройжиддий, тезкорлик механизация» трестининг ўртоқ Ю. Калмиков раислик қилаётган халқ назоратчилари группаси ишини маъқуллади ва унинг тажрибасини кенг оммалаштиришга қарор қилди. Тўрт киши сўзга чиқди.

1-масала: «Главташкентстрой» транспорт бошқармаси учун қурилаётган объектларнинг кечиктириб юборилаётганлиги ҳақида. Масалани капитал қурилиш бўлимининг жамоатчи мудири ўртоқ А. Г. Гапсаломов тайёрлаган.

Ўртоқ Гапсаломов ўзи ёзган справка бўйича қисқача маълумот бергач, мазкур объектлар қурилишининг чўзилаётганлигига 3 ва 4-трестлар айбдор эканлиги аниқланди. Аҳвол ҳақида ишчи ва хизматчиларга хизмат қилаётган бозорчада бўлдик. Ёзнинг ноз-неъматлари сероб. Қовун-тарвуз уюб ташланган. Шу ерда ўртачирчиқлик деҳқонлардан Ғафур Дониёров, Саъдихон Холиқовалар билан суҳбатлашиб қолдик.

— Хўш, савдолар қалай? — сўрадик улардан.

— Э, нимасини айтасиз, — деди шунда Ғафур Дониёров, — биз деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётган, қудратли машиналарни яратиб бераётган дўстларимизга қовун-тарвуз олиб келган эдик.

Ўртоқ Дониёров фақатгина меҳмонхона йўқлигидан шикоят қилди. Ваҳоланки, бу ерда чойхона, ошхона ҳам йўқ. Шу сабабли деҳқонлар Тошкент медицина институти яқинидаги ошхонага қатнаб овқатланишга мажбур бўлишмоқда. Бу ердаги тартибсизликдан фойдаланган баъзи кишилар ўз шахсий манфаати йўлида ноқўя ишлар қилишмоқда. Боткин кўчасидаги 11-уйда истиқомат қилувчи Мамажон Самадов битта тупуқ чойнакдаги чойни йигирма тийиндан пуллаяпти.

Биринчидан, комитетда иш шундай пухта ташкил этилганки, масалалар олдиндан обдон пишитилади. Фактлар аниқ текширилади. Натижада муҳокама тез, пухта ўтади. Чунки жамоатчиларнинг кўмагига таяниб иш олиб борилмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ.

МАЖЛИСДАН СЎНГ...

Ҳар галгидек бу гал ҳам коммунистларнинг йиғилиши қизғин ўтди. Улар хўжаликни комплекс ривожлантириш тадбирлари тўғрисида баҳслашдилар.

— Сабзавотчилик соҳасида эришаётган ютуқларимиз чакки эмас, — деб айтди колхоз партия комитетининг секретари С. Бўронбоев, — аммо чорвачиликнинг оқсаётганлиги кўпчиликнинг кўнглини хижил қиляпти. Эндиликда ана шу соҳани ҳам сердаромад тармоққа айлантириш биз, коммунистларнинг бурчимиз.

Халқ контроли группасининг раиси И. Қудратов сўз олди.

— Партком ҳақ гапни айтди, — деди у, — қачонгача биз гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда қўшни хўжаликлардан орқада қолиб келамиз.

Агар лозим топсаларингиз бу соҳадаги аҳволни батафсил ўрганиб, камчиликларни аниқлашни халқ назоратчиларига топширсаларингиз.

Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Уша кунги мажлисда халқ назоратчиларидан А. Латипов, А. Бектемиров, М. Раҳимжонов, Т. Имомов, Т. Муродов сингари ўртоқлардан иборат назорат комиссияси тузилди.

Халқ назоратчилари текширишни бошлашдан олдин бази бир тайёргарликларни кўрдилар. Бухгалтерияга кириб, ҳар йили чорвачилик учун қанча сарф-харажат бўлаётганлиги, маҳсулот таннархи қанчага тушаётганлиги билан қизиқдилар. Қоғозда кўп нарсалар жойидага ўхшайди: ўтган йили, бунча тонна ем-хашак кетди, бу йил палон тонна ем-хашак жамғариб қўйганмиз, деб қайд қилиб қўйилибди. Қани, кўрайликчи, ана шу озуқадан қандай фойдаланиляпти?

Маълум бўлдики, фермада тартибсизликлар кўп экан. Молларга ем-хашак ташиб келтириб, едиришда исрофгарчиликка йўл қўйилади. Зоотехника парвариши ҳам яхши эмас. Талабчанликнинг бўшашиб кетганлигиданми, ферма раҳбарлари, ҳатто айрим сут соғувчилар, бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар, қабилида иш юритишарди. Шу туфайли ҳам бўрдоқичилик фермасида моллар яхши семирмайди.

— Сигирнинг сути тилида деган гапни яхши биласизлар, — деб айтишди назоратчилар, — шундай бўлгач, соғин сигирларга қаровни яхшилаш керак. Озиғидан, сувидан вақтида хабар олинглар. Аҳвол эскича давом этаверса чорвачилик оқсагани оқсаган.

Назоратчилар ўша кунги текширишда қатор камчиликларни очишди. Ҳатто бузоқларнинг нобуд бўлишига йўл қўйганлар ҳам аниқланиб, колхоз правлениесидан улар ҳисобидан шу зарарни ундириб олиш талаб этилди. Ферма раҳбарларини колхоз правлениесининг кенгайтирилган актив йиғилишига чақириб роса қизартирдилар.

Қисқа вақт ичида фермадаги аҳволни яхшилаш учун зарур тадбирлар белгиланди. Халқ назоратчиларидан бир кишига эса ферма раҳбарлари берган ваъдаларини қандай бажаришларини кузатиб бориш топширилди.

Ҳозирги кунда Калинин районидаги Навоий номли колхоз фермасида аҳвол бутунлай янгича. Соғин сигирлар парвариши жуда яхши йўлга қўйилган. Ем-хашак рационининг кўпайтирилганлиги туфайли соғиб олинаётган сутнинг мойлилик даражаси ҳам анча ортди. Ана шу ҳисобга бир неча тонна қўшимча сут соғиб олинаётир. Илғор сут соғувчилардан Насиба Тожибоева, Инобат Қорабоева сингари ўртоқлар ўзларига биркитилган соғин сигирлардан кўплаб сут соғиб олмоқдалар.

Колхозда гўшт, сут етиштириш сердаромад соҳага айланиб қолди. Чорвадорлар юбилей йилида қишлоқ хўжалигининг бу тармоғидан 40 минг сўм фойда олишни кўзда тутмоқдалар. Буннинг учун ҳамма имконият бор. Колхоз мустаҳкам ем-хашак базасига эга. Ферма малакали кадрлар билан мустаҳкамланган. Сут соғувчилар зиммаларига олган планларини 1 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Куни-кеча халқ контроли группасининг раиси Қудратов билан суҳбатлашдик. У ўз иш тажрибалари ҳақида гапириб берди.

— Колхозимизда, — деди у, — ҳаммаси бўлиб 89 халқ назоратчиси бор. Мавжуд 14 та бригаданинг ҳар масида халқ назоратчилари пости тузилган. Группа ва постлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳар бир соҳасини вақти-вақти билан текширишдан ўтказиб турадилар. Текшириш натижалари партия бюросида, коммунистларнинг умумий йиғилишида, бригада коллективлари ўртасида муҳокама қилинади. Энг муҳими— қабул қилинган қарорларнинг, белгиланган тадбирларнинг изчиллик билан бажарилиши учун курашамиз. Халқ назоратчилари чорвачиликни юксалтириш йўлида, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар. Улар хўжаликнинг бошқа соҳаларини ҳам кескин ривожлантиришга барокали ёрдам бермоқдалар. Халқ назорати группалари ўз назоратида активларга суяниб иш олиб боради. Ҳар бир текшириш вақтида беш кишидан 12 кишигача назоратчи иштирок этади. У ёки бу текширишларнинг натижаси деворий газета, колхоз радиоузели орқали кўпчиликка етказиб турилади.

Шуниси қувончлики, халқ назоратчилари фақат ишлаб чиқариш билангина шуғулланиб қолмаётирлар. Улар колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг тобора яхшиланишига ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг жонкуярлиги туфайли мактаблар ремонти эрта тугалланди. Барча болалар боғчалари ва яслилари намунали ҳолга келтирилмоқда.

Бугина эмас, халқ назоратчилари иқтисод қилиш, тежамкорлик учун бошланган курашда ҳам кўпларга ўрнак бўлмоқдалар. Халқ контроли постларининг меҳнати туфайли колхоз давлатга 42 тонна металлом топширди.

Кўриниб турибдики, бу колхоз халқ контроли группаси хўжаликни юксалтиришда колхоз правлениеси, партия ташкилотининг катта таянчига айланган. Ана шунинг учун ҳам яқинда область халқ контроли комитети колхоз назоратчиларининг фаолиятини кўриб чиқиб, уларнинг иш тажрибасини маъқуллади.

Ҳақиқатан ҳам бу колхоз назоратчиларининг тажрибасидан кўп нарсаларни ўрганса бўлади.

Н. РИХСИЕВ.



Янгийўлдаги «Қизил Октябрь» колхозида халқ назоратчилари йиғим-теримга тайёргарликнинг боришини кузатмоқдалар. Аниқланган камчиликларни эса ўз вақтида тугатиш тадбирлари белгиланаётир. Суратда, колхознинг звено бошлиғи — назоратчи Бобоқул Эшонқулов пахтазорда. У ҳосил ниҳоналарини чамалаб кўраётир.

Р. Жуманиёзов фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ...

ЯҚИН-ЯҚИНЛАРДА ҳам қадимий Тошкент дарвозаларининг биридан кун ботишга қараб йигирма чақиримча юрсангиз, «Занги ота» қишлоғи келарди. Шу қишлоқни ўқдай кесиб ўтган «илонизи» йўлдан эшак ё арава билан юриб, учтўрт сойлигу, тақир тепалик ошсангиз, ярим кунда «Ажалбоп» қишлоғига кириб борардингиз.

Аҳён-аҳёнда йўл муюлишларида пахсаси ёмғирда йилиниб тушган, на девору, на дарвозаси бор, тик турсанг бош тегиб, ўтирсанг зах сўрадиган, устунига кўпчапалак ин қўйган лой томли қора уйлар кўзга ташланиб қоларди. Гузарда гупчи чопон, қаламуш кўйлак, бўз иштон кийган аламзада чорикорларни кўриш мумкин эди. Якка чинор тагидаги ҳовузда липасига бир бурда нон қистириб олган қора қура болалар тўда-тўда чиллак отишар, қайси бирлари эса кўчанинг ўртасига ёйилиб ўтирганча тупроқ талашиб «ҳаммопиш» ўйнашарди.

Салгина четга чиқиб, қўлингизни пешонангизга қўйиб далага назар солсангиз, кўзи тикка келишига қарамай, яхтагининг устидан қийиқча боғлаб, пешонасини таниб олган деҳқонинг жонини жабборга бериб кетмон ураётганини кўрардингиз. Пешона тери, кўз ёши, юрак зардоби билан суғорилган ернинг бир парчаси ҳам деҳқонга қарашли эмас эди. Улар очликдан шишиб ўлмаслик учун тер тўкардилар.

Кун ботди дегунча кўчаларда одам сийраклашиб қолар эди. Бир бог пичанни қўлтиқлаб, елкасига кетмонини ташлаб олган деҳқонлар бирин-кетин қора чироқ ёниб турган уйларига қайтар эдилар. Баланд мачит орқасидаги «Одам осган» тепалигида болаларнинг ҳам қораси кўринмай қоларди. Улар оталари билан ёнма-ён ўтириб, бир коса аталарини, гўжанини зогора нон тўғраб ичишарди-да, бўйра устидаги увада орасига кириб уйқуга кетишарди.

Осмонда ой чиқди дегунча кампир қора чироқни ўчириб, ой нурида ип йигирар эди. Шу алпозда тонг отиб, шу алпозда кун ботарди.

«Гулжаҳон», «Саид ота», «Бой қиз» деган қўшни қишлоқчалар ҳам бўлгувчийди. Атроф ҳувуллайди, жимжит, қуш қўнса қаърига тортадиган ботқоқлик, зовурлар, ўқ отса ўтмайдиган қалин тўқайзорлар ёйилиб ётар эди. Қишлоқнинг ҳамма ери Саъдибой, Холхўжабой, Чанкабой ихтиёрида бўлган.

«Чорикор чораклаб олар, бой акам ботмонлаб» деган нақл қадимдан қолган. Бечора чорикор қарзга кўмилиб, 30—40 йиллаб бойнинг эшигида ярим қулга айланиб қоларди...

Бу қиссани колхоз тузумининг ветерани, Ўзбекистоннинг атоқли пахтакори марҳум Абдулла Ортиқовдан эшитган эдик.

... Улуг Октябрь қуёшининг зиёси тун босиб ётган бўйрасидан бўлак ҳеч вақоси йўқ чорикорнинг кулбасини ҳам ёритди. Чоракта понимизни бутунлади, битта чопонимизни икита қилди, кўкрагимизга шамол тегизди, соябонсиз етим бошимизни силади.

Камбағалнинг асрлаб ёнмаган чироғи ёниб, кўкрагига шамол тегувди ҳамки, бойларни кошоналарида чироқ ўчиб, оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолишарди. Бутун қишлоқни йиртқичдай титратиб, қонимизни неча йиллар вулқондай сўриб келган Чанкабой, Холхўжабой, Саъдибойлар ҳам яраланган бўридай кўзлари олазарак бўлиб қолишди.

Доҳиймиз Ленининг Декрети билан бойларнинг ери тортиб олинди, моллари мусодара қилинди. Қаттиқ қураш бошланди. Ислоҳотни амалга оширишда Маннон Рамзий, Сиддиқ Аҳмедов, «Занги ота» ер ислоҳоти комиссиясининг аъзоси, қишлоқ аҳли орасида ҳануз номи фахр билан тилга олинадиган коммунист Йўлчи Каримовлар жонбозлик кўрсатган эдилар. Йўлчи Каримов номини қишлоқдаги тўрт яшар бола ҳам севиб тилга олар эди. У йигирма олтинчи йилдан то колхоз тузумигача район миқёсида ер ислоҳотини амалга оширишда, қулоқларни тугатишда, ички душман Биринчилардан бўлиб отам билан артелга кириб, оддий кетмончи бўлиб ишлай бошладим.

Артель коллектив бўлиб ишлашнинг дастлабки формаси эди. Ҳукумат артель орқали деҳқонларга озиқ-овқат, кетмон, омоч, уруғ бериб турди. Кредитга пул берди. «Шамол яиток» аганатади, бўрон дарахт қулатади», деганларидек, кўпчилик бўлиб ишлаш катта-катта ўзгаришларга олиб келди. Якқаҳол бўлиб ишлаш қандай-у, кўпчилик бўлиб ишлаш қандайлигини деҳқонлар тезда тушуниб олишди. Артель багри кенгайиб, деҳқонларнинг кўзи очилиб борди.

Ниҳоят, 1929 йилнинг кузларида 3 та маҳалла бирлаштирилиб, колхоз тузилди. Унга «Коммунист» деб ном қўйишди. «Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар» деганларидек, кўпчилик бўлиб ишлаш колхозчиларнинг кўкрагига шамол тегиб қолди. Гўшт кўрмаганининг қозони гўшт кўрди, битта нони иккита бўлди. Қора кулбасини ташлаб, колхознинг оқ уйларига кўчиб чиқди. Колхозга киришга иккиланиб юрган, «қани, олдин кўрайликчи, буларнинг колхозини» деб четда турган якқаҳол деҳқонлар бунн кўргач, гуриллаб колхозга кириб келабошлашди...

Ўшанда ўттизинчи йилнинг баҳор пайтлари эди. Колхозда 10 та от, 15 та ҳўкиз ва биттаю битта «фордзон» трактори бор эди. Колхоз дастлаб бир қанча қийинчиликларга учради. Ўшанда колхоз идораси учун Қорасув ёқасидан бировнинг ҳаммад Бўриев, Муҳиддин Муминхўжаев, отам Ортиқ Носировлар бўлади. Мен ўша пайтларда 17—18 ёшларда эдим.

СЎНМАС СИЙМОЛАР

манга қарши курашда катта роль ўйнаган эди. У 1937 йилда узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг вафот этди. Ҳозирги кунда у туғилиб ўсган Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозининг марказий клуби Йўлчи Каримов номига қўйилган.

Дастлаб «коллектив хўжалик бўлиб ишлаймиз», деб майдонга чиққан ва бунда катта роль ўйнаган батраклардан Фаттоҳ большевик, Умар большевик, Қозоқбой Қурбонбоев, Йўлчи Каримов, Ҳадича Сулаймонова, Нурмат Назаров, Мухамедов бўлади. Мен ўша пайтларда 17—18 ёшларда эдим.



Бу сурат бундан 11 йил муқаддам олинган. Абдулла Ортиқов (ўнг томонда) Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру ва делегациянинг бошқа аъзолари билан бирга дала айланмоқда.

Ишлаш коллектив бўлиб ишлашнинг дастлабки формаси эди. Ҳукумат артель орқали деҳқонларга озиқ-овқат, кетмон, омоч, уруғ бериб турди. Кредитга пул берди. «Шамол яиток аганатади, бўрон дарахт қулатади», деганларидек, кўпчилик бўлиб ишлаш катта-катта ўзгаришларга олиб келди. Якқаҳол бўлиб ишлаш қандай-у, кўпчилик бўлиб ишлаш қандайлигини деҳқонлар тезда тушуниб олишди. Артель багри кенгайиб, деҳқонларнинг кўзи очилиб борди.

Ниҳоят, 1929 йилнинг кузларида 3 та маҳалла бирлаштирилиб, колхоз тузилди. Унга «Коммунист» деб ном қўйишди. «Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар» деганларидек, кўпчилик бўлиб ишлаш колхозчиларнинг кўкрагига шамол тегиб қолди. Гўшт кўрмаганининг қозони гўшт кўрди, битта нони иккита бўлди. Қора кулбасини ташлаб, колхознинг оқ уйларига кўчиб чиқди. Колхозга киришга иккиланиб юрган, «қани, олдин кўрайликчи, буларнинг колхозини» деб четда турган якқаҳол деҳқонлар бунн кўргач, гуриллаб колхозга кириб келабошлашди...

Ўшанда ўттизинчи йилнинг баҳор пайтлари эди. Колхозда 10 та от, 15 та ҳўкиз ва биттаю битта «фордзон» трактори бор эди. Колхоз дастлаб бир қанча қийинчиликларга учради. Ўшанда колхоз идораси учун Қорасув ёқасидан бировнинг бир уй, бир даҳлизини, икки қўй, бир сигирга алмаштириб, идора очишди.

Эшагими, ҳўкизми, аравасими, ишқилиб бор бисотини олиб, «бизни ҳам колхозга қабул қилинглар» деб келаётган деҳқонларнинг кети узилмасди. Колхозда комсомол ячейкалари ташкил қилинди. Абдулла ва бошқа комсомол аъзолари колхоз интизомини бузувчиларга, ички душманларга қарши қаттиқ қураш олиб боришди. Улар кечалари колхоз омборларини, отхона, молхоналарини қоровуллаб чиқишарди.

Колхоз аста-секин оёққа турабошлади. «Хаммант очларингдан шишиб ўласанлар» деган ички душман бунн кўриб жон беролмай ётган илондай тўлғаниб қолди.

— Улар от-ҳўкизларимизни ўғирлаб кетишадиган ҳам бўлиб мол билан ишларди. Абдулла отаси Ортиқ ота билан колхозда оддий кетмончи эди. Ёш Абдулла ўзининг меҳнатлиги, қобилияти билан ажралиб турарди.

... 1933 йил. Қаҳратон қиш кунларидан бири эди. Колхоз правлениесидан чиқиб келаётган бир тўда одамлар таплашиб боришар эди.

— Ҳа, Абдулла эплайди. Суяги меҳнатда қотган йигит.

— Албатта. Абдулладан кўнгил тўқ, у виждонли йигит.

Улар Абдулла ҳақида гапиришар эдилар. Ҳозиргина правление мажлисида Абдуллани бригадир қилиб сайлаб чиқишган эди. Улар анча узоқ гаплашиб боришиб, Қорасувга бурилиш йўлида Абдулла билан хайрлашишди. У отаси билан уйга қайтди. Ортиқ ота йўл-йўлакай ўғлига насиҳат қилиб борар эди:

— Ўзинг биласанки, мен умримнинг ярмини Саъдибойнинг эшигида ўтказдим. Ўша битта яхтагим иккита бўлиб, қорним тўйиб овқат емаганман. Бой бурда-сурда қаттиқ нонлардан берарди. Яхтагимнинг бир учига тукканимча йиглай-йиглай қайтардим. Ўзим емасам ҳам сенларга едирардим... Минг қатла шукур, у кунлар ўтиб кетди. Сени бугун бригадир қилиб сайлашди. Энди бўш кела кўрма, ўғлим. Қамишни икки қўлинг билан маҳкам ушлаб, астойдил тортсанг, илдизи билан суғуриб оласан. бўлмаса қўлинг қора қонга бўялади. Хамма ишда ҳам шундай дадил бўлиш керак...

Абдулла отасининг гапларига итоат билан қулоқ солиб, сукут сақлаб борарди. Отанинг сўзлари кулоққа кўпроқ шундай кетарди:

— Ўзинг биласанки, мен умримнинг ярмини Саъдибойнинг эшигида ўтказдим. Ўша битта яхтагим иккита бўлиб, қорним тўйиб овқат емаганман. Бой бурда-сурда қаттиқ нонлардан берарди. Яхтагимнинг бир учига тукканимча йиглай-йиглай қайтардим. Ўзим емасам ҳам сенларга едирардим... Минг қатла шукур, у кунлар ўтиб кетди. Сени бугун бригадир қилиб сайлашди. Энди бўш кела кўрма, ўғлим. Қамишни икки қўлинг билан маҳкам ушлаб, астойдил тортсанг, илдизи билан суғуриб оласан. бўлмаса қўлинг қора қонга бўялади. Хамма ишда ҳам шундай дадил бўлиш керак...

Абдулла отасининг гапларига итоат билан қулоқ солиб, сукут сақлаб борарди. Отанинг сўзлари кулоққа кўпроқ шундай кетарди:

— Ўзинг биласанки, мен умримнинг ярмини Саъдибойнинг эшигида ўтказдим. Ўша битта яхтагим иккита бўлиб, қорним тўйиб овқат емаганман. Бой бурда-сурда қаттиқ нонлардан берарди. Яхтагимнинг бир учига тукканимча йиглай-йиглай қайтардим. Ўзим емасам ҳам сенларга едирардим... Минг қатла шукур, у кунлар ўтиб кетди. Сени бугун бригадир қилиб сайлашди. Энди бўш кела кўрма, ўғлим. Қамишни икки қўлинг билан маҳкам ушлаб, астойдил тортсанг, илдизи билан суғуриб оласан. бўлмаса қўлинг қора қонга бўялади. Хамма ишда ҳам шундай дадил бўлиш керак...

Янги бригадир аввало бригадасидагиларнинг ишончини қозонди. Каттани ака, кичикни ука, қарини ота деб, ҳаммага ҳурмат билан ёндошди. У бригадасидаги ҳар бир кишининг табиатига яраша муомала қилар, меҳнат интизоми, вақтнинг қиммати, маҳсулотнинг сифати ҳақида деҳқонлар билан суҳбатлашарди. Биринчи йил машаққатлар билан ўтди.

— Дарҳақиқат, қийин кунларни бошдан кечирдик, — деб ҳикоя қилади биринчи трактурчи Мирзаҳол ота Нормуҳамедов. — Мен ўша пайтларда Абдулланинг бригадасида трактурчи эдим. Колхозда мендан бўлак тракторчи ҳам йўқ эди. Ўша йиллардаги бир ҳовлиса сира ёдимдан чиқмайди. Йилнинг энг нозик кунлари, далага қўш чиқадиган пайт эди. Тўсатдан касал бўлиб қолдим. Бир куни Абдулла икки кишн билан кириб келиб, мени замбилла далага олиб чиқиб кетди. Оёқларим педалга бормайди. қўлларим руль ушлай олмайди, қувват йўқ. калтирайман. У мени трактурга ўтқазиб қўйди-да, ўзи ёнимга ўтирди. Мен айтаман, у педални босади. Тормозни кўрсатаман, тормозни босади, рулни айтаман у буради. Сув бўлиб терга ботиб кетади. «Хей Абдулла, озгина дам олайлик, уруниб қоласан» десам, «ҳозир-ҳозир» билан вақт тушга келиб тақалди. Тушлан кейин мени колхозчи Ҳолбуви билан қолдиради-да, ўзи кетмончилар олдига кетади.

Кун бўйи тинкаси қуриб, яна кечки пайт қайтиб келади. Яна замбилда уйимга олиб келиб қўйишади. Ўзи эса Олия, Ўғилой, Юсуфали, Болтабой, Ҳолбуви, Исмоиллар билан далада қолиб, ой нурида чопилган шудгорни текислаб, эрталаб чигит экишга тайёрлайди. Абдулла мени уйга жўнатгач, орқамдан изма-из хотини Фотимани юборади. У келиб банка солади, укол, компресс қилиб кетади. Абдулла эрталаб ишга кетиш чоғи яна олдимга кириб, бирга олиб чиқиб кетарди...

Абдулланинг бригадасида бир ярим йилдан ошиқроқ бирга ишладик. Кейин 1934 йилнинг кузларида Абдулла мени Янгийўлга тракторчилар курсига ўқишга юборди. Ўқишни битириб келиб, яна Абдулла билан бирга ишлабошладим.

Мирзаҳол ота шу ерга келганда негадир жим бўлиб қолди. У қўлидаги ўша пайтда Абдулла ака билан тушган хотира расмга тикилиб турарди.

Мирзаҳол ота оҳиста жилмайиб қўяди. У бошини кафтлари орасига олиб, оқариб кетган сочларини силайди. Орқада қолган узоқ хотираларни «варақлайди». Унинг кўзлари ўнгида унутилмас йиллар гавдаланади...

АБДУЛЛА Ортиқов янги жамиятни барқарор топтириш учун шиддатли кураш олиб борилган оғир йилларда чиниқди, маҳоратига маҳорат, кучига куч, обрўйига обрў қўшилди. У умрининг сўнгги дақиқаларигача колхозни юксалтириш, деҳқонларнинг турмушини янада яхшилаш мақсадида тинмай меҳнат қилди. Абдулла аканинг кўп йиллик хизматн орқасида колхоз кичик, қолоқ хўжаликдан республиканинг энг йирик ва пешқадам хўжаликларидан бирига айланди. «Оқ олтин» ҳосилдорлиги 5 центнердан 30—35 центнерга етди. Бир вақтлар фақат омоч, кетмонга қуни қолган бу колхоз эндиликда қудратли техника билан қуролланган. Турли хил машиналар, тракторлар, комбайнлар, агрегатлар, механизмлар деҳқон ва чорвадорларнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилмоқда. Колхоз аҳли ота-боболари бутун умрини ўтказган қора кулбалар ўрнига қурилган замонавий, кўркам уйларда истиқомат қилмоқда. Уларнинг топиш-тутишлари, турмуш кечиришлари жуда яхши бўлиб кетган.

Колхозда ҳаётнинг шундай қувонарли, кишининг ҳаваси келарли даражага етишида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган пахтакор марҳум Абдулла Ортиқовнинг ҳиссаси бениҳоя каттадир...

...Катта сув бўйидаги чойхонада ўтириб, Абдулла ака билан сўнгги бор суҳбатлашаётганимизда қўёш олтин баркашдек бўлиб уфққа бош қўяётган эди. Абдулла ака қуёшга анча тикилиб ўтиргач, шундай деган эди:

— Одамзот ҳам худди шундай бўлиши керак! Мен одамзотнинг қалбини доимо қуёшга қиёс этаман. У ҳам қуёш каби доимо нур таратиши керак. Чунки у дунёга бир марта келиб, бир марта кетади. Ўз ортида нур қолдириши, фақат ёруғ нур қолдириши керак...

Абдулла ака ҳам яхши ном қолдирган сиймолардан.

Анвар ЭШОНОВ,
Қаҳҳор ҚУРБОНОВ.



1933 йил. Абдулла ака ўзи бошлиқ бригада аъзолари орасида.



Колхоз тузумининг дастлабки йилларида олинган бу суратда Усмон Юсупов ва биринчи трактўртоқларни кўриб турибсиз.

ЖОНАЖОН ШАҲАРИМИЗДА

ТУНДРАДА МАКТАБЛАР

Заполярьедаги Комсомольский посёлкасида икки қаватли мактаб-интернат биноси фойдаланишга топширилди. 1 сентябрда ёш шимолликлар кенг ва ёруғ синфхоналарга, музика машғулоти ўтказиладиган хоналарга, техника кабинетларига келадилар.

Шу ўқув йилида Колима ва Чукоткада ўн олтита мактаб-интернат эшиклари кенг очиб қўйилади, деб хабар беради ТАСС мухбири Магадандан. Бу мактаб-интернатларда чукчалар, эскимослар, юкагирлар, эвенклар, коряклларнинг фарзандлари тўла давлат таъминотида яшайдилар ва ўқийдилар.

ВОЛГАДА ҚУДРАТЛИ ПОРТЛАШ

22 августда Саратов областида Маркс шаҳри районида сув ости қояси портлатилди. 600 метрлик энг қийин участка забт этилди. Урта Осиё—Марказ газ қувури иккинчи навбатининг трубаларн ётқизиладиган траншеянинг бир қисмн тахт қилиб қўйилди. Портлаш 20 метр чуқурликда юз берди. Олдинда масъулиятли ва қийин топшириқ—дарё тубига трубалар ётқизиш ишлари бор

ЯНГИ АВТОВОКЗАЛ

Кустанайда автобуслар учун янги автовокзал қурилди. 22 августда ойна ва бетондан ишланган вокзал биносидан шаҳарлараро қатнайдиган автбуслар йўлга чиқди. ТАСС мухбирининг хабар беришича, бу ерда областнинг ҳамма қишлоқларига, шунингдек Курган, Челябинск, Кўкчатов ва Петропавловскка бориш мумкин.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «В. И. Ленин интизом тўғрисида» деган китобни босмадан чиқарди. Китобга Владимир Ильичнинг партия, давлат ва меҳнат, интизомн масалаларига доир мақолалари, нутқлари, мактубларн ва айрим фикрлари киритилган.

Тўпламда В. И. Ленининг янги меҳнат интизомнин тарбиялаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширишдаги аҳамиятн тўғрисидаги фикрларига кенг ўрин берилган.

СИЁСИЙ ИҚТИСОДГА ДОИР ЎҚУВ ҚУРОЛИ

Сиёсий адабиёт нашриёти марксизм-ленинизм асослари мактаблари учун «сиёсий иқтисод» деган ўқув қуролини нашр этди. Китоб курс программасига мувофиқ ёзилган. Марксча-ленинча назарнни ўргана бошлаган ўқувчн китобда капитализм ва социализм «сиёсий иқтисод қонунлари» ва категорияларн мазмуни билан танишади.

Китобни иқтисод фанлари докторлари А. Н. Малафеев ва Ю. В. Яковец раҳбарлигидаги авторлар коллективи ёзган.

(ТАСС).

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ТАСС БАЁНОТИ

ОСМОНДАН УРИБ ТУШИРИЛДИ ВА ЕРДА ЯКСОН ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 24 август. (ТАСС). Америка авиациясининг Жанубий Вьетнамдаги талафотлари ортиб бормоқда. Партизанлар Бажна вилоятидаги Нгайзяо қишлоғи районида 9, 10 ва 15 августда қотилларнинг уч вертолётини уриб туширдилар. Вьетнам информация агентлигининг озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарига қараганда, шу вилоятнинг Биньба қишлоғида 11 августда разведка самолёти уриб туширилган. Экипаж аъзолари, австралиялик полковник ва капитан ўлган.

Партизанлар 26 июлга ўтар кечаси Америкаиинг Тхузаумот вилоятидаги Даутиенг базасига дадил ҳужум қилганликлари натижасида икки разведка самолёти ишдан чиқарилган ва етти америкалик ўлдирилган.

22 августда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахтига яна ваҳшиёна ҳужум қилди. Аҳоли зич яшайдиган районларда бомбалар ташланди. Бу сўнгги кунларда ВДР пойтахтига қилинган тўртинчи босқинчилик ҳужумидир. Айни вақтда АҚШ самолётлари ва ҳарбий кемалари Шимолий Вьетнамнинг бошқа районларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни бомбардимон қилиш ва ўққа тутишни кучайтириб юбордилар.

Америка империалистлари Вьетнамнинг жанубидаги қуролли интервенцияни ҳам кенгайтирмоқдалар. У ерга Америка қўшинларининг янгидан-янги қисмлари юборилмоқда. АҚШ ўз иттифоқчилари ва малайларнн жиноятқорона уруш боткогига янада чуқурроқ ботиришга уринмоқда.

Вьетнамга қарши АҚШ агрессияси тобора кенг ва мудҳиш тус олмоқда.

Аммо агрессорлар қанақа ваҳшиёна методларни қўлламасинлар, Вьетнам Демократик Республикаси мардонавор халқининг иродасини синдира олмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда: Вьетнам халқининг империалистик ҳужумга қаршилик кўрсатиш кучи тинмай ошиб бормоқда. Вьетнамнинг жанубида Озодлик Армиясининг босқинчиларга берадётган зарбалари кучини эндиликда Пентагон генераллари яширя олмаяптилар. АҚШ Вьетнамда кўзлаган мустамлакачилик мақсадларига ҳарбий воситалар билан эришишга муваффақ бўла олмаётир.

Жанубий Вьетнамда халқнинг чуқур нафратига учраган чирик ҳарбий диктатура режимини сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган «сайлов» машмашаси ҳам уларга ёрдам бера олмади. Дарҳақиқат, океанининг нариёгидан келган окқупантлар Сайгондаги бир ҳовуч сотқин генераллар ва сиёсатдонлар билан биргаликда халққа қарши қаттиқ уруш олиб борилаётган мамлакатда қандай сайлов бўлиши мумкин. Жанубий Вьетнам халқи ҳозирдаёқ ўз йўлини танлаб олди. У, империалистик босқинчилар ва уларнинг тумшталарига қарши миллий озодлик фронти байроғи остида қудратли озодлик курашини кенгайтириб юборди.

Вьетнам халқига қарши урушнинг кучайтирилиши ҳамда АҚШ ҳукмрон доираларининг Вьетнамда қўлланаётган сиёсий найранглари улар фактлар билан соғлом ҳисобашишни истамай авантюра йўлидан яна ҳам нари бораётганликларини билдиради, холос. Аммо газабланиб, ўйламай иш тутишдан яхшилик чиқмайди. Америкаиинг Вьетнамдаги агрессияси, бу агрессиянинг янада кенгайтирилиши АҚШ қўзлаган босқинчилик режаларининг амалга оширишнинг яқинлаштирмаяжагига шак-шубҳа йўқ. Вашингтон тутаётган бундай калтабинлик йўлининг хавфи шундаки, у халқаро аҳволни янада кескинлаштириб юбормоқда ва жаҳонни хавфли жар ёқасига келтириб қўйиши мумкин.

Совет кишилари Вьетнам халқига қарши АҚШ агрессиясини газаб билан қораламоқдалар. Улар Вьетнам Демократик Республикасига, ҳаққоний иш учун курашаётган Вьетнам халқига қизғин ҳайрихоҳлик билдириб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Америка империалистларининг ВДРга қарши, Вьетнам халқига қарши қилган янги жиноятқорона ҳаракатлари муносабати билан Совет раҳбар доираларида тегишли ҳулосалар чиқарилмоқда. Вьетнамдаги урушни авж оздириш йўлида АҚШ босаётган ҳар бир янги қадамга қарши албатта тегишли жавоб берилади.

ПЕКИНДАГИ АНГЛИЯ МИССИЯСИГА ҲУЖУМ

ЛОНДОН. (ТАСС) Хунвэйбинлар Пекиндаги Англия миссияси олдида намойиш ўтказиндар ва сўнгра миссия территориясига бостириб кириб, у ерда ур-йиқит қилдилар. Миссия биноси ёндириб юборилди, чет эл мухбирларининг Пекиндан берган хабарларига кўра, миссия ходимлари орасида яралор бўлганлар бор. Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг 20 августда берган норозилик нотасини Англия ҳукумати рад қилганлиги муносабати билан шу намойишлар ва ур-йиқит уюштирилди.

Нотада Гонконгда чиқадиган учта хитойча газета нашр этилишини тақиқлаб қўйилганлигини Гонконгдаги Англия маъмурлари 48 соат мобайнида бекор қилишлари ва қамоққа олинган Хитой журналистларининг озод этишлари талаб қилиниган эди.

Англия Ташқи ишлар давлат министри Хитойнинг Лондондаги муваққат ишлар вакилига Пекиндаги Англия миссиясига ҳужум қилинишига қарши норозилик билдирди. Англия ҳукумати жавоб чораси сифатида ХХР миссияси ходимларининг Англиядан чиқиб кетиши ва мамлакат бўйлаб юришини тақиқлади.

КАСАБА СОЮЗЛАР БИЛАН АРМИЯНИНГ ҚАРОРИ

БАМАКО, 24 август. (ТАСС). Мали меҳнаткашлари миллий союзи билан Мали армияси бош штабининг офицерлари ҳукмрон Судан иттифоқи партияси сиёсий бюросини тарқатиб юбориб, унинг ваколатларини революцияни ҳимоя қилувчи миллий комитетга топшириш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлашларини айтдилар. Мали Республикасининг президенти Модибо Кейта Бамако радиоси орқали 22 августда нутқ сўзлаб, барча партия ва давлат органларидан юқори турувчи орган бўлмиш революцияни ҳимоя қилувчи миллий комитет ана шу қарорни қабул қилганлигини айтган эди.

Нигериядаги аҳволга доир

ЛОНДОН. Нигерия федерал ҳарбий қисмлари Шарқий Нигерия қўшинларининг дарёдан десанд туширнб федерал ҳукумат пойтахти Лагос шаҳрига қилиб кўрган ҳужумини бародо қилди. Рейтер агентлиги 23 августда ана шу ҳақда хабар берди. Окитипуп шаҳридан жануброқда бўлиб ўтган шиддатли жанглар натижасида Шарқий Нигерия қўшинларидан 300 киши ўлди.

Айни вақтда Энугу (Шарқий Нигерия) радиосининг маълум қилишича, «ҳозирги вақтда Лагосга олиб борадиган йўл Шарқий Нигерия қўшинлари учун кенг очиб қўйилган» ва улар яқин вақт ичида ана шу ерга бормоқчилар. Энугу радиосининг уқтиришича, Шарқий Нигерия қўшинлари Нигерия Ғарбий штатининг пойтахти Ибадану шаҳрига томон силжиб бормоқдалар. (ТАСС).

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

БАНГИ. Марказий Африка Республикасининг Президенти Жанг Бэдэль Бокасса расмий суратда мамлакат ҳукмрон партияси — қора Африка социал эволюция ҳаракати («МЕСАН») партиясининг бош секретари бўлди.

МОСКВАДАН ХАТ

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ


Қизил Байроқ орденли Марказий ҳужжатли фильмлар студиясининг маҳсулотя булган «Кун янгиликлари»нинг навбатдаги 33-сони мамлакат экранларида кўрсатила бошланди.

Киножурналнинг дастлабки кадрлари Тошкентдаги улкан қурилишларга бағишланган. Москвалик бинокорларнинг ажойиб ишлари ва ҳаётини ҳикоя қилувчи бу киноочерк «Қардошлик рамзи» деб аталади. Тошкентни қайта қуришда ёрдам бераётган пойтахт қурувчилари юбилей байрамигача юз минг метр турар-жой биносини қўлдан чиқариш учун меҳнат қилишяпти.

Шунингдек, киножурнал Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ҳақида ҳам ҳикоя қилади, Ўзбекистон санъат усталарининг Кремль съездлар саройида бўлган концертига ҳам ўрин берилган.

Киножурналнинг сўнгги кадрлари Москвада бўлиб ўтган СССР—Польша олимпиада командалари ўртасида футбол матчига бағишланган.

Л. АПАРНИКОВ.



БИР НОВДА ОЛМА.

А. Абалян фотоэтюди.

РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Пойтахтимиз спорт базаларида республика мактаб ўқувчиларининг XX юбилей спартакиадаси программасига киритилган спорт турлари бўйича қизғин мусобақалар бўлиб ўтди. Енгил атлетикачилар мусобақаси айниқса катта қизиқиш туғдирди. 300 дан ортиқ ёш спортчи энг кучли деган номни олиш учун кескин курашди. 4х100 метрга эстафетали югуришда Тошкент шаҳар мактаб ўқувчилари янги республика рекорди қўйдилар. Улар эстафета таёқчасини 46,3 секундда олиб келдилар. 100 метрга югуришда тошкентлик Толик Орешин ғолиб чиқди. У 11,4 секунд натижа кўрсатди. Бу ёш спортчи 200 метрга югуришда ҳам биринчи бўлиб келди (24,2 секунд).

Тошкентнинг ёш спортчилари жуда кўп мусобақаларда ғолиб чиқдилар. Гена Тихонин дискани ҳаммадан узоққа улоқтирди (43 метр 50 сантиметр). Анатолий Марков эса шест билан ҳаммадан баландга сакради (3 метр 40 сантиметр). Сурхондарё области вакили Борис Лобков бир метр 85 сантиметр баландликдаги планкадан сакраб ўтди. Беш километрга югришда эса Самарқанд вакили Владимир Зеликов ғалабага эришди. Қизлар ўртасида диск улоқтиришда, 80 метрга барьерлар билан тўсиқлар ошиб югуришда, ядро отишда, 200 метрга ва 4х100 метрга эстафетали югуришда Тошкент мактабларининг қизлари ғолиб келишди.

Умумкоманда ҳисобида ҳам Тошкент шаҳар командаси пешқадамлик қилди.

Футбол майдонларида республикамиз пойтахти ва пойтахт области командалари маҳоратларини кўрсатишди. Тошкентнинг ёш футболчилари ўз группаларидаги Самарқанд области вакилларини 5:1, Сирдарё области командасини 5:0, Фарғона области командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Иккинчи кичик группада қатнашган Тошкент область футболчилари андижонликларни 2:0, қашқадарёликларни 2:1 ҳисобида енгдилар ва Бухоро области командаси билан бўлган учрашувни 4:4 ҳисобида якунладилар.

Ўзбекистон пойтахтининг ёш теннисчилари айниқса катта муваффақиятга эришдилар. Улар ҳамма ўйинларни мағлубиятсиз ўтказдилар. Биринчи ва иккинчи ўрин учун бўлган ҳал қилувчи учрашувда улар пойтахт области спортчиларидан 5:2 ҳисобида устун келдилар.

Судьялар коллегияси беш кунлик мусобақалар натижасини ҳисоблаб чиққанда Тошкент шаҳрининг терма командаси 98 очко билан биринчи ўринда, бухороликлар 73,5 очко билан иккинчи ўринда ва Тошкент областининг ўқувчилари 64,5 очко билан учинчи ўринда эди.

Кеча пойтахтдаги Максим Горький номли боғнинг ёзги театрида спартакиада тантанали равишда ёпилди. Ғолиб командаларга кўчма мукофотлар ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг дипломлари топширилди.

П. КОНОВАЛОВ,
Бутуниттифоқ категорияли судья, Спартакиаданинг бош судьяси.

ФУТБОЛ

„ПОЛИТОТДЕЛ“ ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» колхози футболчилари ўтган сешанба куни ўз майдонларида навбатдаги учрашувни зона пешқадамларидан бири—Владивостокнинг «Луч» командаси билан ўтказдилар.

Владивосток футболчилари Қарағанданинг «Шахтёр» командасидан атиги икки очко кам тўплаб, турнир жадвалида иккинчи ўринда боришаётган эди. Меҳмонлар Қарағанда футболчиларига етиб олиш учун интилишган бўлса, мезбонлар биринчи даврадаги мағлубият учун олиш умидида эдилар.

Кескин спорт кураши остида ўтган бу ўйин майдон эгалари фойдасига 2:1 ҳисобида тугади.

Ўзбекистоннинг иккинчи командаси—Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари ўз майдонларида Челябинскнинг «Локомотив» командаси билан белашдилар. Ҳисоб 1:1.

Шу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Энергетик»— «Иртиш»—3:0, «Олға»— «Строитель» (Уфа)—0:0, «Строитель» (Ашхобод)—СКА (Хабаровск)—2:0, «Шахтёр»— «Торпедо» (Томск)—2:0, «Восток» (Усть-Каменогорск)—«Кузбасс» (Кемерово)—2:0, СКА (Новосибирск)—«Звезда» (Пермь)—0:0, «Темп» (Барнаул)—«Уралмаш» Свердловск)—1:1.

ОБЛАСТИМИЗ ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Андижон, 24 август (ЎзТАГ). Ўзбекистон қишлоқ велосипедчилари чемпионати тугади. Тошкент область командаси энг кучли эканлигини кўрсатди. Сирдарё область спортчиларининг муваффақияти кутилмаган ҳол бўлди. Улар иккинчи ўринни олдилар. Учинчи ўринни эса андижонликлар эгаллашди.

Чемпионатда сирдарёлик акача Евгений ва Валентин Перепелкинлар катта муваффақият қозонишди. Группали пойгада юз километр масофага улар бир вақтда келиб (2 соат 22 минут 50 секунд) ғолиб чиқишди. 50 километрга бўлган команда пойгасида ҳам Перепелкинлар мукофотли ўринни эгаллашди. Евгений эса 25 километрга шахсий пойгада чемпион бўлди.

ҲАЁТ ЧАШМАСИ

Осмонга қаратиб қўйилган кўп босқичли космик ракетанинг сигаретасимон танаси офтобда ярқираб турибди. Унинг кумушсимон бетида «СССР», «Восток» сўзлари равшан қилиб ёзиб қўйилган.

Биз халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг саноат майдонидамиз. Унутилмас 1961 йил 12 апрелда соат 9 дан етти минут ўтганда йўлдош кемани космосга чиқарган космик ракета шу ерда турибди. Совет граждани Юрий Гагарин ракетани ер атрофи фазосига олиб чиққан эди. Космосга биринчи бўлиб чиққан кишининг ажойиб сўзлари хотирангизга келади: «Мен космосга парвоз қилишдан бахтиёрман, албатта, бахтиёрман. Ахир, ҳамма замонлар ва даврларда янги кашфиётларда қатнашиш одамлар учун олий бахт бўлиб келган эди-ку».

...Ойнаванд гумбазли жуда катта бинонинг олдига ёзиб қўйилган «Космос» сўзи йироқдан ҳам кўринади. Янги экспозиция ўн минг квадрат метр саҳни эгаллаган. Ерда бир гектар «Космос»! павильоннинг фахрий экспонати — биринчи сунъий йўлдош кўзингизни салпал қамаштиради. Диаметри 58 сантиметр ва вазни нинҳоятя 83,6 килограмм келадиган шу чоғроқ шарнинг орбита бўйлаб парвозидан илҳомланган улуғ француз Фредерик Жолио Кюри: «одам ортиқ ўз планетасига боғланган эмас:», деган ҳикматли гапни айтган эди. Тўнғич йўлдош ернинг тортиш кучи «занжирларини» узган асримизнинг прометейидир.

Павильонда реактив ҳаракат назариясини, космик парвоз назариясини ишлаб чиқишга, ракета ва космик техникани барпо этишга ўз ҳиссасини қўшган олимлар, конструкторлар, инженерлар, учувчилар Н. Кибальчич, Н. Жуковский, И. Мещерский, Ф. Цандер, Н. Рынин, Ю. Кондратюк, Н. Тихомиров, И. Клейменов, Б. Петропавловский, В. Ветчинкин, маршал М. Тухачевский ва учувчи Г. Бахчеванжи портретлари қатор осиб қўйилибди.

Ракета динамикаси ва планеталараро алоқалар назариясининг асосчиси Константин Эдуардович Циолковский билан ракета — космик системаларнинг машҳур конструктори Сергей Павлович Королевнинг портретлари ҳам бор. Бу икки киши кўп жиҳатлардан қардошлашган. Циолковский тошширган эстафетани содиқ кишилар — истеъдодли олимлар, конструкторлар, инженерлар қабул қилиб олдилар. К. Э. Циолковский авиация, ракетада учиш ва планеталараро алоқаларга доир барча асарларини «...инсоният маданияти тараққиётининг чинакам раҳбарлари — большевиклар партияси ва Совет ҳокимиятига» васият қилиб қолдирганлигида чуқур мазмун бор.

Биз турган виставка — ҳозирги космик техника панорамасидир.

Турли илмий аҳамиятга эга бўлган кўп метрли ракеталарнинг учи залнинг жимжимакор гумбазларига тегиб турибди. Оби-ҳаво тўғрисида ерга маълумотлар юбориб турган метеорология йўлдоши антенналари қанотларини баайни бургут сингари ёйилган. Ер радиация белбоғларининг разведкачиси машҳур «электрон» ҳам шу ерда. Ниҳоят жаҳонда энг катта ўн иккн тонналик космик аппарат — «протон» станциясини кўрасиз. У космосга тўнғич учирилган йўлдошдан 145 баравар оғир. Бу баҳайбат космик станцияни кўтариб чиққан ракета мисли кўрилмаган қувватга эга бўлса керак.

Ҳозир барҳаёт М. К. Тихонравов конструкция қилиб, бундан 34 йил аввал учирилган суюқ ёқилғи билан ишлайдиган дастлабки ракета ҳозирги ракета ёнида худди океан лайнери ёки «Ленин» атомходи олдида турган қайиққа ўхшаб қолади. Дастлабки ракетанинг двигателя атиги 52,4 килограмм тортиш кучига эга бўлиб, 15 секунд мобайнида ишлаб бўлур эди. Кўз ўнгингизда ўтмиш ва хозирги давр намоён бўлади. Дастлабки суюқлик билан ишлайдиган ракета ердан бир неча юз метр баландликка кўтарилган бўлса, «Венера» типидаги планеталараро станция совет мамлакатининг гербн тасвирланган вимпелни Венера юзига етказиб бориш учун неча юзлаб миллион километр масофани учиб ўтди. Ленинградликлар лсаган реактив двигател неча ўнлаб килограмм тортиш кучи вужудга келтирди. «Восток» ракета — космик системасининг замонавий двигателларидан бирининг қуввати бир неча миллион от кучига баравар. Ўтмиш ва ҳозирни яна бир марта қиёслаймиз. Фотосурат С. П. Королев конструкциясидаги жаҳонда биринчи ракетоплан 1940 йилнинг февралида ҳавога кўтарилганлигини (учувчи В. Федеров) эслатади. Орадан икки йил ўтгач, тўнғич реактив самолёт — В. Болховитинов конструкциясидаги қирувчи самолёт (учувчи Г. Бахчиванжи) синов парвози қилди. Москва яқинидаги Домодедово аэропортида яқинда бўлиб ўтган авиация паради реактив ҳаракатдан фойдланган совет конструкторларн замонавий авиация техникасини қанчалик қудратли қилганлигини кўрсатди.

«Луна» типидаги аппаратлардан ҳайратда қолмай бўлмайди. «Лунник»лар ер табиий йўлдошининг юзида ҳам, орбитасида ҳам ишлаб улгурди. Лекин келажак учун энг муҳими — «лунниклар» осмон жисмларининг бетига оҳиста қўнишни «ўргашиб олганликларида» бўлса керак. Вақти келиб шу маҳорат ерликларнинг Ойга биринчи экспедициясига ёрдам беради.

«...Восток» кемаси. Космонавтлар Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриян Николаев, Павел Попович, Валентина Николаева—Терешкова, Валерий Быковский бу кемада бир юз саккиз минутдан то беш суткага қадар ишладилар ва ишладилар. Асрлар ўтар, неча юзлаб кишиларни сиғдирадиган космик кемалар барпо этилар, аммо инсоннят вазни 5 тоннадан кам бўлиб, бор-йўғи битта одамга мўлжалланган тўнғич космик кемани ҳеч қачон унутмаяжак.

Йўлдошлар илмий масалаларнигина ҳал қилиб қолмаедан, кишиларнинг кундалик турмушида ҳам хизмат қилмоқда. Масалан, «Метеор» космик системаси об-ҳаво прогнозини айтишга ёрдам беради, ретранслятор — алоқа йўлдоши «Молния» Москва билан Владивосток ўртасида радиотелефон ва телевизион «кўприк» ташлади. Бу, ҳали ишнинг бошланиши. Келажакда космос инсоннятга кўп фойдали ишлар қилиб беришни ваъда қилмоқда. Фридрих Энгельс жаҳон фазосини ҳаётнинг улуғвор чашмаси деб атаганлиги бежиз эмас.

Эндиликда одамни космосга учиришга тайёрлашнинг кўп элементлари сир бўлмай қолди. Тренажер-кема кабинаси. Унда учиш программаси машқ қилинади. Бу тренажер — «Восток» кемасининг кабинаси алоҳида қилиб ишланганлигини бизга айтишди. Уни Павел Попович учирган. Ветеран-кабина кўп нарсаларни эслатади ва кўп нарсалардан дарак беради. «Космик квартира» олимлар, конструкторлар, инженерларга ҳам ишлаб улгурди. Лекин келажак учун энг муҳими — «лунниклар» осмон жисмларининг бетига оҳиста қўнишни «ўргашиб олганликларида» бўлса керак. Вақти келиб шу маҳорат ерликларнинг Ойга биринчи экспедициясига ёрдам беради.

«...Восток» кемаси. Космонавтлар Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриян Николаев, Павел Попович, Валентина Николаева—Терешкова, Валерий Быковский бу кемада бир юз саккиз минутдан то беш суткага қадар ишладилар ва ишладилар. Асрлар ўтар, неча юзлаб кишиларни сиғдирадиган космик кемалар барпо этилар, аммо инсоннят вазни 5 тоннадан кам бўлиб, бор-йўғи битта одамга мўлжалланган тўнғич космик кемани ҳеч қачон унутмаяжак.

Йўлдошлар илмий масалаларнигина ҳал қилиб қолмаедан, кишиларнинг кундалик турмушида ҳам хизмат қилмоқда. Масалан, «Метеор» космик системаси об-ҳаво прогнозини айтишга ёрдам беради, ретранслятор — алоқа йўлдоши «Молния» Москва билан Владивосток ўртасида радиотелефон ва телевизион «кўприк» ташлади. Бу, ҳали ишнинг бошланиши. Келажакда космос инсоннятга

«Космос» павильонининг ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ

ган. Ҳаммаси соддагина бўлиб кўринса ҳам, авторларнинг истеъдоди мана шу соддаликдадир. Космонавтлар ердан ташкарида айнн ердагидек ҳаёт кечирадилар.

Ҳозир гапириб бермоқчи бўлганимиз павильон гумбази остигинасига жойлаштирилган. Бу парса 30 метрли ажойиб захматкаш ракета билан баайни икки бўлакка бўлинганга ўхшайди: ракета «космик» аппаратларини ер атрофи фазосига олиб чиққан. Шу сериядаги 170 дан ортиқ йўлдош космос кенгликларини кезди. Ракета орқасида уч қаватли уй баландлигича келадиган панно. Унда Алексей Леоновнинг космик фазода эркин сузиш пайти акс эттирилган. Аҳамияти жиҳатидан бу катта воқеани Юрий Гагарин парвози билан тенглаштирса бўлади. Леоновнинг машҳур скафандрини биринчи марта телевизор экранидан эмас, балки асли ўзини кўриб турибмиз. Кема командири Павел Беляев контроли остида космонавт мана шу «костюм-кема» да очиқ космосда ишлаган.

Виставкада кўп янги нарсалар бор. «Восход» кемаси экипажининг анжомлари (силкинишларни сусайтирувчи ўриндиқ, устн — бор), ҳаётни таъминлаш системасини ташкил этувчи айрим узеллар ва асбоблар шулар жумласидандир.

Стендларга мамлакатимизда ракета техникасининг бунёдга келиши, ривожланиши ва камол топиши ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар қўйилган. Москва ва Ленинграддаги реактив ҳаракатни ўрганувчилар группаларнни кўришингиз мумкин. Ленинград газ динамика лабораторияси, мамлакатда биринчи реактив илмий тадқиқот институти тўғрисида материаллар бор. Шунисн қизиқки, бу муассаса коллективи 1935 йилнинг 23 июнида К. Э. Циолковскийни техника кенгашининг фахрий аъзоси қилиб сайланган. Ракета ёқилғиси вазнининг унинг қолган вазнига нисбатини «Ц» ҳарфи билан белгилашга ўша вақтда қарор қилинган эди. Ҳозир бу сон «Циолковский сони» деб аталади.

30-йилларда ракета иши ва планеталараро алоқалар ташаббусчиларини давлат қўллаб-қувватланганлиги тўғрисидаги материаллар ҳам қизиқарли. Ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссарининг ўринбосари ва ишчи-деҳқон қизил армияси қурол-аслаҳаларининг бошлиғи вазифасида бўлган Совет Иттифоқи маршали М. Тухачевский мамлакатимизда ракета техникасини ривожлантиришда озмунча иш қилмади.

Ракеталар, ракета двигателлари, турли вазифаларни бажарувчи космик аппаратлар, уларнинг машина-ускуналарини кўздан кечирар экансиз, космосда ақлли техника одамнинг ўрнини батамом боса олмасликан, деган фикрга борасиз.


Йўқ, ундай эмас. Автомат қанчайин мукаммал бўлмасин, у тадқиқотчи одамнинг ўрнини босолмайди. «Восход-2» парвозидан сал вақт ўтгач ёзган асарларидан бирида академик С. П. Королев ишнинг мана шу томонини таъкидлар экан, мамнуният билан бундай деди: «бундан буён олим қуруқ рақамлар ва асбобларнинг битиклари, фото ва телеметрик пленкалардан, датчикларнинг нима кўрсатганлигининг ўзидан фойдаланибгина қолмайди. Ҳозир у воқеаларни ўзи жонли тасаввур эта олади, бошидан кечирган ва кўрганларини сезиб тура олади, унга тадқиқотларни ўзи истаганича қизиқарли қилиб олиб бориш, олинган натижаларни шу заҳоти анализ қилиб, олға қадам ташлаш имконияти берилади».

Уч ўринли «Восход»нинг парвози фан, техника ва космик медицинани ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Владимир Комаров, Константин Феоктистов ва Борис Егоров фотосурати бизга қараб турибди. Бу сурат 1964 йил октябрида кема стартига бир неча соат қолганда Бой қўнғир космодромида олинган эди. Кема командири ўша кунлардаги суҳбатлардан бирида алоҳида руҳланиб, бундай деган эди:

— Ленин партияси тарбиялаган авлодга мансуб эканлигимдан, космосга биринчи бўлиб, «дераза» очган ва уни тадқиқ этган халқнинг фарзанди эканлигимдан бахтиёрман.

Бу сўзларга яна нима қўшиш мумкин? Бундан олти йил муқаддам 1961 йилнинг 6 августида биринчи суткали парвоз қилган Герман Титовнинг: «Бизнинг асримизда тутаб ёниш мумкин эмас, ўт бўлиб ёнмоқ керак, йўқса турмушдан орқада қоласиз», деган сўзларини қўшса бўлар.

А. РОМАНОВ,
ТАСС обзорчиси.



Суратда: «Космос» павильонининг умумий кўриниши.
А. Романов фотоси ТАСС фотохроникаси.

«ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНЛАРИ» ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Газетамизнинг 30 июль сонида ахлоқ темасида босилган «Жаҳолат қурбонлари» сарлавҳали мақола муносабати билан редакция газетхонлардан кўплаб хатлар олди. Хат авторлари меҳри дарё оналаримизни улуғлаб, тошбағир Нозима Қорабекова ва унинг отаси коммунист Исмоил Қорабековнинг совет кишиларига мутлақо ёт бўлган ножўя хатти-ҳаракатларидан нафратланишмоқда, уларнинг қилмишларига нисбатан ўз мулоҳазаларини билдиришмоқда. Қўйида редакцияга келган хатларнинг бир нечтаси билан ҳурматли газетхонларни таништиramиз.

САТҚАИ ОНА КЕТ!

Мен ўғилларим, қизларим билан дастурхон теварагида чақ-чақлашиб ўтирган эдим. Набирам Шоҳида почтальон келтирган газетани ўқиб бермоқчи бўлди.

— Бувижон, эшитинг, — деди у кўзғолиб ва баланд овоз билан мақолани ўқий бошлади. Мен уни тинглар эканман, тошбағир Нозимага нафратим қайнаб кетди. Ўзимни зўрга тутиб ўтирдим. Она меҳридан жудо бўлиб, очилмай хазон бўлган Улугбекнинг қисмати вужудимни ларзага келтирди ва беихтиёр кўзимга ёш олдим. Биз оналар учун дунёда фарзандан ширин нарса йўқ. Белимизнинг қуввати, кўзимизнинг нури, умидимиз ва бутун борлигимиз фарзандларимиздир.

Нозима сенга нима бўлди! Сенинг ақлу-ҳушинг қаерда эди. Ширин-шакар ўғилчаларингни ташлаб кетишга қандай кўзинг қиди. Мен ҳам она бўлганим учун сендаги шафқатсизлик, вафосизлик менинг газабимни қайнатиб юборди. Ҳа, сенга ўхшаган қалби тош оналар денгизда бир томчидир. Мана эшит, қандай оналар бўлади: Улуғ Ватан уруши йиллари эди. Сузук ота маҳалласида яшовчи Ойшахон Тоҳировнинг умр йўлдоши Боқижон фронтга кетди. Ўшанда йигирма тўрт баҳорни кўрган Ойшахоннинг қўлида уч яшар қизи Салима билан ўнбир ойлик ўғли Салимжон қолди. Боқижондан қорахат келди. Гулдек навқирон жувон бева қолди. Унинг қайнана-қайнатаси, қайин-бўйинлари турмушга чиқишга, ёш умрини бева ўтказмасликка розилик беришди. Лекин Ойшахон уларнинг маслаҳатларини қатъий рад этди. Турмушга чиқмади. Ойшахон ишга кирди. Фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлди, уларни балогатга етказди. Ҳақиқий она ана шундай бўлади.

Ойшахоннинг отаси эса ўша кезлари унга моддий ёрдам кўрсатди. Кўнглига тасалли бериб турди. Ҳа у оталик бурчини бажарди. Сенинг отанг Исмоил Қорабеков коммунист бўлатуриб инсофсизлик қилибди. Биз оналар сизлардек багри тош одамларнинг қилмишларини қаттиқ қоралаймиз.

Умри ИСМАТИЛЛАЕВА.
73 ёшда.

БЕМЕҲР

Мен 94 ёшга кирдим. Ували-жувалиман; ўғил-қизларим, невара-чевараларим бисёр. Болаларим газета, журналларни ўқиб бериб туришади. Замонамизда бўлаётган янгиликларни эшитиб дунё-дунё қувонаман. Улар менга «Жаҳолат қурбонлари» деган мақолани ҳам ўқиб беришди. Она меҳрига, кўкрак сутига тўймаган гўдакларини зор йиғлатиб ташлаб кетган Нозима ва пул-дунё учун жуда пасткашликка борган Исмоил Қорабеков сингари одамлар орамизда борлигидан дилим қаттиқ ранжиди. Кўнглимни бўшатиб олай деб, болаларимга ушбу хатни битдириб газета идорасига юбордим.

Аввало мен Нозиманинг отаси Исмоил Қорабековдан жуда хафа бўлдим. Хамма айб отада. Негаки, у кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган одам. Бундай одамлар ёшларга насиҳатгўй бўлиши даркор. Йўлдан озган тақдирда йўлга солиб қўйиши лозим. Нозима тошбағирлик, бевафолик қилган экан отаси насиҳат қилиб унинг кўз олдига икки гўдагини келтириб, шахтидан қайтариши керак эди. Аммо Исмоил Қорабеков бундай қилмаптн. Аксинча бир сиқим пул учун қизини йўлдан урибди. Бу жуда ҳам инсофсизлик. Нораисталарни зор йиғлатиб, уларни тирик етим қолдиришга юраги чидаган Нозима ва унинг отаси Қорабековлар жамоатчилик олдида ўз қилмишлари учун жавоб беришлари керак.

Сарвар ГУМАДИЕВА.

ИНСОФСИЗЛИК

Тошбағир, кўрнамак Нозима ва унинг отаси Исмоил Қорабековнинг қилмишларидан қаттиқ хафа бўлдим. Замонамиз руҳига мутлақо сиғмайдиган бундай тошбағирлик онда-сонда учраса ҳам ҳамманинг ғазабини келтиради. Одатда ақлли оталар ўғил-қизлари турмушида бирор низо чиқса ўртадаги келишмовчиликларни бартараф этадилар. Айниқса ўртада бола бўлган тақдирда ёшлар турмушининг бузилишига асло йўл қўймайдилар. Исмоил Қорабеков бўлса ўз қизи Нозимани турмушининг бузилишига, икки неварасини тирик етим қилишга, ниҳоят Улуғбекнинг умри хазон бўлишига сабабчи бўлибди.

Нозима! Сен ҳар қалай инсоннинг ишини қилмабсан. Отангнинг измидан чиқолмабсан. Унинг жўнлиги ва сенинг бағринг тошлиги, меҳринг музлиги туфайли шундай кўнгилсиз ишлар содир бўлибди. Хайф сизларга, тошбағирлар!

Х. ҲУСАНОВ,
доцент.

ТОШЮРАКЛАР

Кўнгил боласини оппоғим, типратикон юмшоғим дер эмиш. Бу нақлни она-оталаримизнинг оғзидан кўп марта эшитганман. Ҳақиқатан ҳам ота-она учун фарзанд ҳар нарсадан ҳам қизиқ ва ширин. Шунинг учун ота-она ўз фарзандн йўлида бутун куч-қувватини, ҳаётини сарфлайди. Афсуски, орамизда ҳамон Нозима ва Қорабеков сингари одамлар бор экан. Уларнинг кирдикори очиб ташланган «Жаҳолат қурбонлари» деган мақолани ўқиб чиқдим-у, инсон номига доғ туширган кўрнамакларга нисбатан қалбимда ғазабим туғён урди. Нозима, сен инсондаги меҳр-шафқатдан маҳрум бўлган экансан. Сен она деган шарафли номга лойиқ эмассан. Сен ўша Қорабековнинг қизисан. У пул—дунё учун, эскилик учун муккасидан кетган одам. Сен ана шу жоҳил отанг тарбиясида ўсиб, шафқатсиз, бағри тош бўлиб қолгансан. Унинг измидан чиқмай, асирига тушгансан, оқибатда дунёга энди келган гуноҳсизлар Ойбек она меҳридан жудо бўлиб тирик етим бўлган, Улугбек ҳаётдан кўз юмган. Улар жаҳолат қурбонлари бўлган. Ана шу қилмишларингиз учун эл-юрт олдида бир умр шармандаю шармисорсизлар.

И. ЭРГАШЕВ,
инженер.

ИНСОН НОМИГА ДОҒ

Баҳор кунлари эди. Уйда дам олиб ётардим. Шу пайт чумчуқларнинг чириллаб фарёд чекишларини эшитиб ҳовлига чиқдим. Уларнинг ноласи яна авжига чиқди. Чумчуқлар менинг бошим атрофида ҳужумкорлик билан чирқиллаб учишарди. Қарасам, эндигина темирканот чиқарган чумчук боласи девор тагида талпиниб ётибди. Уни дарҳол авайлаб олдим, иннига қўйдим. Она чумчуклар тинчиди, боласига сув, овқат ташийбошлади...

Қушчаларнинг ўз боласи учун шунчалик жон фидо этишини, жўшқин меҳрини кўриб ҳайрон қолдим. Шундай экан, инсон меҳрини ҳеч нарсага таққослаб бўладими?! Она меҳри. Қуёшдан ҳам пок ва юксакдир. Аммо «Жаҳолат қурбонлари»ни ўқиб, Нозима ва Қорабековларга нисбатан қалбимда нафратим жўш урди. Инсон қадри нақадар юксак баҳоланади. Шундай пайтда шундай одамларнинг борлигини эшитиб жуда афсусландим.

Нозима, отанг шунчалик жаҳолат ботқоғига, тубанликка кетган экан, сенинг ақл-ҳушинг қаерда эди? Нега меҳрибон оналар ҳаётига бир назар ташламадинг? Халқимизда ота фарзанди бўлма, эл фарзанди бўл, деган нақл бор. Сенинг отанг шундай пасткашликка борган экан. Ўғилларинг туфайли уни рад этишинг керак эди. Энди-ги сўзим шуки, отанг ҳам, сен ҳам эл фарзандининг ишини қилмаган-сизлар!

Санд МАМАШОКИРОВ.
«Главташкентстрой» ишчиси.

ЭСИЗ ОДАМГАРЧИЛИК

Бемеҳр, багрн тош Нозима, сен аччиқ-аччиқ сўзлар эшитишга лойиқ инсонсан. Агар сенда заррача меҳр-шафқат бўлганда ҳар қандай шароитда ҳам ҳали она сутига, меҳрига қонмаган норасидаларни ташлаб кетолмас эдинг. Уларни ортмоқлаб бўлса ҳам оиалик бурчингни ўтардинг. Дунёпарас, жоҳил отангни юзига гўдакларинг ҳурмати учун тик қарашинг мумкин эди. Ха, она меҳри фарзанди учун энг машаққатли ишларга ҳам уидайди. Шуни билки, сен бу қилмишларинг учун бир умр пушаймон ейсан. Отанг эса соф виждонли кишилар олдида жавоб беради!

К. МУСАМУРОДОВ,
электротехник.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси. 11.00 — Биз ёзни унутмаймиз (болалар учун). 11.30 — Етуклик аттестати (бадиий фильм). Ўзбек тилида: 13.00 — Бизнинг севимли саройимиз (ўқувчилар учун). 13.30 — Андрейка (бадиий фильм). 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 — Қўғирчоқ телевизнон театри. 17.25 — Телеянгиликлар. 17.40 — Олой қорларида (ҳужжатли фильм). 18.00 — Ешлик студияси кўрсатади. Истиқбол эгалари телевизион журнали. 19.00 — Шарқ назми тароналари (музикали эшиттириш). 19.40 — Телевизион янгиликлар (рус тилида). 19.55 — Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.00 — Рақамлар ҳақида эшиттириш. 21.30 — Ярим аср ичнмаси. 1923 йил (телевизион ҳужжатли фильм). 22.30 — Интервидение. Москвада Эстония ССР ҳафталиги. Огонёк. 23.30 — Телеянгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Машенька ва айиқ (қўғирчоқ фильм). 18.20 — Телеянгиликлар. 18.30 — Кяудио Вилла куйлайди. 18.45 — Бир нечта сон (ҳужжатли фильм). 18.55 — Спорт бир ҳафта ичида. 19.10 — Сатира қуролн (ҳужжатли фильм). 19.30 — Музикали мозаика.

Ўзбек тилида: 20.05 — Телеянгиликлар. 20.15 — Инилар мамлакатида (ҳужжатли фильм). 21.05 — Совет Шарқи эстрада куйлари. 21.40 — Махсус топшириқ (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган машиётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01168.
Индекс 64970
А. 1731.